

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Ҳиммат — элнинг
таянчи,
Меҳнат — роҳат
қувончи.

Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan 2010-yil 19-may, chorshanba № 39 (8272) ISSN 2010-6416

МАЗМУНЛИ МАШҒУЛОТЛАР



May —
xorijiy
tillar
fanlari
oyligi

Шайхонтохур туманидаги 192-мактабда май — Хорижий тиллар фанлари ойлиги турли тадбир ва намунали дарсларга бой тарзда ўтмоқда. Кун кеча мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Малика Ниёзованинг 8-синф ўқувчилари учун «Шу азиз Ватан — барчамизники!» мавзусидаги намунали дарси ҳам ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Дарсда турли интерфаол усуллар ва кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланилди.

Билимлар масканида ўқувчилар хорижий тилларни кучли иштиёқ ва қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Бунда моҳир устозлари М.Ниёзова ўзининг бор билим ва тажрибаларини аямайди. Билим ва тажрибага таяниб олиб борилаётган самарали сабоқлар сабаб мактаб ўқувчилари туман ва шаҳар миқёсидаги тадбирларда фаол иштирок этиб, кўрик-танловларда юқори ўринларни қўлга киритмоқдалар.

Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



Собир Раҳимов туманидаги 219-мактабда «Ёш тадқиқотчилар мактаби» аъзоларининг 5та фан бўйича кичик илмий тадқиқотлари ҳимояси бўлиб ўтди.

Унда пойтахтдаги бир қатор олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳам иштирок этди.

Тадбирда 28-мактабнинг 9-синф ўқувчилари Отабек Одиловнинг «Математика — менинг энг севган фаним», Нилуфар Зияеванинг «Кимёвий элементларнинг табиатда учраши, инсон организмга салбий ва ижобий таъсири», Абдурахмон Юсуповнинг «Электрон ҳисоблаш машиналарининг ривожланиш тарихи», 219-мактабнинг 9-синф ўқувчилари Мавлу-

ТАШАББУС ВА ИҚТИДОР БИРЛАШГАНДА

«YOSH TADQIQOTCHI MAKTABI'GA
XUSH KELIBSIZ!



Faxr

да Собиеванинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» — асари ўқувчи нигоҳида» ва Бекзод Умаровнинг «Сонлар квадратининг ажойиб хоссалари» мавзуларидаги тадқиқот ишлари ҳимоя қилинди. Тошкент шаҳар педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори Ҳамидулла Йўлдошев бундай ўзига хос изланишларни мактаб давриданоқ қўллаб-қувватлашнинг самараси келажакда юксак бўлишини ва ушбу ташаббусни кенг оммалаштириш лозимлигини айтиб ўтди.

Анжуман сўнгида илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилган ёш тадқиқотчиларга диплом ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Анвар ҚОБИЛОВ

ГАЗЕТАНИ

ВАРАҚЛАГАНДА

**ШАХСГА
ЙУНАЛТИРИЛГАН
ТАЪЛИМ**

ўқувчи интелектуал
қобилиятини
ривожлантириш омили

3-бет

**АМАЛИЁТ —
ТАЪЛИМНИНГ
МУҲИМ
БОСҚИЧИ**

7-бет

**«ҲАЁТ
МЕЗОНИ» —
БИООЛАМ
ҲИМОЯЧИСИ**

12-бет

**ХОББИНИГИЗ
БОРМИ?**

у ўзингизни кашф
этишга
қўмаклашадди

14-бет



ВИРТУАЛ ОЛАМ

ТАРАККИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

— «BEST SOFT UZBEKISTAN-2010» миллий дастурлар кўргазмасида қатнашиб, жуда кўп ўзимга керакли дастурлар тўғрисида маълумот олдим, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети 3-курс талабаси Гулнора Куликова. — Айниқса, ўзбек тили имлосини кирил ва латин ёзувларида текширувчи, 50 млн. сўз ва сўз бирикмаларини ўз ичига қамраб олган электрон лугат дастурлари ҳамда русча-ўзбекча, ўзбекча-русча матнлар таржимони катта қизиқиш уйғотди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари бўйича Қўмитаси томонидан ташкиллаштирилган кўргазма-форумнинг бугунги ахборот асридаги аҳамияти катта. Чунки бунда миллий дастурий маҳсулотлар намойиш этилади.

Тошкент ахборот технологиялари университетида ташкил этилган кўргазманинг расмий очилиш маросимида сўзга чиққанлар ҳам унинг аҳамияти, намойиш этиладиган дастурларнинг амалиётга кенг жорий этилиши масаласи, бугунги тараққиёт ҳар биримиздан ахборот-технологиялари борасида керакли кўникмаларга эга бўлишини талаб қилаётганини таъкидлади.

«BEST SOFT UZBEKISTAN» республикадаги тўртинчи марта ўтказилаётган тадбир бўлиб, ундан ҳар йили ахборот-технологик соҳадаги янгиликлар, сўнги дастур ва лойиҳалар жой олади. Бу йилги кўргазмада ҳам кўплаб дастурлар, жумладан, ҳисоботларни солиқ органларига электрон шаклда тақдим этиш, интерактив хизматларнинг янги турлари, «Электрон Кафедра» дастурий мажмуаси, олий таълим муассасаларида ахборот ресурслар базасини бошқариш, вилоятларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қабул қилишни статистик таҳлил этиш имконини берувчи дастурлари, шунингдек, ахборот технологиялари бўйича мультимедиа интерактив дастурий мажмуа ва қидирув тизимининг такомиллашган дастури иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Ташриф буюрганлар инглизча-русча юридик атамаларнинг электрон лугати ва компьютерни вирусдан ҳимоялаш дастурларига ўзгача қизиқиш

билдирди. Баъзи дастурларнинг дискларда электрон шакли тақдим ҳам этилди.

— Биз 12та лойиҳани кўргазмага олиб чиқдик, — дейди ТАТУ қошидаги Ўзбекистон ахборот технологиялари маркази раҳбари Ўткир Ҳамдамов. — Дастурларимиз асосан, таълим сифатини ошириш, таълим жараёнини ахборот ресурслари билан таъминлаш, малака ошириш ҳамда бир қанчаси таълим соҳасидаги жараёнларни автоматлаштиришга бағишланган. Масалан, автоматик равишда компьютер саводхонлигини ўзлаштириш имконини берадиган дастур, бешта филиалларимиз билан бирлаштирувчи ягона ахборот ресурс тизими, адабиёт ва қўлланмаларнинг электрон шакллари матн, аудио ва видео кўришида олиш имкониятини берувчи лойиҳалар ҳавола этилди.

Мутахассис, бундан ташқари, масофавий таълим тизимини такомиллаштириш, педагог кадрларнинг малакасини оширишда виртуал таълим усулини жорий қилиш борасида ҳаракатлар бошланганини айтиб ўтди. Шунингдек, ТАТУнинг Самарқанд филиали вакиллари томонидан намойиш қилинаётган Регистон майдоидаги обидаларнинг виртуал музейи уни интернетдан томоша қилиш имкониятини бераётгани қувонарли ҳол. Чунки бугунги ахборот даврида жаҳонга маданиятимизни Интернет орқали намойиш этиш тарғиботнинг самарали йўлидир.

Кўргазмада «Йилнинг энг яхши дастурий маҳсулоти», «2009 йилнинг энг яхши лойиҳаси», «Ахборот технологиялари соҳасидаги энг яхши компания» ва «Энг яхши талаба иши» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Сартепа туризм коллежида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари учун «Очиқ эшиклар куни» ва касб-хунар коллежлари битирувчилари учун «Меҳнат ярмаркаси» бўлиб ўтди.

Шаҳар ҳокимлиги, вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда бандликка кўмаклашувчи марказ ҳамкорлигида ташкил этилган ҳар иккала тадбирга Самарқанд вилояти ва шаҳридаги касб-хунар коллежларининг, 50 дан ортиқ умумтаълим мактабларининг битирувчилари ота-оналари, ўқитувчилари билан келишди. Ташкил этилган меҳнат ярмаркасида сайёҳлик фирмалари, меҳмонхоналар, ресторанлар, умумий овқатланиш шо-

Milliy dastur — amalda

га коллежни битирганларидан сўнг иш қидириб вақтларини беҳудага сарflashмайди.

— Мен сартарошлик йўналишида таҳсил олдим, — дейди битирувчи Лобар Раҳмонова. — Коллежда ўрганган назарий билимларимни маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаларида амалиётда қўлламоқдаман. Малакамни, тажрибамни ошириб олгач, келгусида тадбиркор сифатида кичик корхона очиб, аҳолига сервис хизмати кўрсатаман.

«Очиқ эшиклар куни»да иштирок этган умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари

БИТИРУВЧИЛАРГА ИШ БОР

хобчалари раҳбарлари, соҳа ходимлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда ўқувчи-ёшлар учун яратилган шароит, Юртбошимиз томонидан қаратилаётган эътибор, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳусусида гапирдилар.

Меҳнат ярмаркасида 16 та корхона ва ташкилотлар 160 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Коллеж битирувчилари ўзлари танлаган йўналишда иш берувчилар билан шартномалар имзолашди.

— Коллежимизда 1200 нафар талаба таҳсил олади, — дейди коллеж директорининг ўринбосари Х.Раҳматова. — Шулардан 450 нафари бу йил илм масканини битиради. Ушбу меҳнат ярмаркасида битирувчи йигит-қизлар сайёҳлик фирмалари, ресторан ва меҳмонхоналар ҳамда бошқа сервис хизмати кўрсатадиган корхона-ташкilotлардаги мавжуд бўш иш ўринлари билан танишдилар. Ўзларига маъқул бўлган корхона билан шартнома имзолашди. Улар эрта-

ри, уларнинг ота-оналари коллеж ҳаёти ва таълим йўналишлари билан танишдилар. Ёшларнинг айримлари ота-оналари билан маслаҳатлашган ҳолда мана шу илм масканида ўқишни давом эттиришга келишиб олдилар.

— Сартепа туризм коллежида ресторан ва меҳмонхона бизнесини ташкил этиш бўйича малакали кадрлар тайёрланар экан, — дейди Самарқанд шаҳридаги 24-умумтаълим мактабнинг 9-синф битирувчиси Нигина Халилова. — Шу соҳага қизиққанам сабабли келажакда мана шу илм масканида ўқишни давом эттиришга қарор қилдим. Қароримни ота-онам ҳам қўллаб-қувватлади.

Бугунги кунда академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичида ўқишга жалб қилиш мақсадида шаҳардаги бошқа илм масканларида ҳам шундай тадбирлар ўтказилаётир.

Ҳаким Жўраев,
«Ma'rifat» мухбири

ЯНГИ ОВОЗЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Урганч шаҳрида бўлиб ўтган Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг «Академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги» республика танлови якунига етди.

Уч кун давом этган танловда ёш иқтидор эгалари кашф этилди. Улар ижросида замонавий ҳамда хорижий, МДХ композиторларининг кенг қўламадаги пьесалари ижро этилди. Жаҳон мумтоз композиторларининг сонаталари янгради. Мумтоз ашулалар эстрада жанрида замонавий ва янги талқинда ижро этилди.

Танлов натижаларига кўра, фортепьяно йўналишида Шерзод Абдулазизов (Фарғона вилояти) ҳамда тошкентлик Шерзод Дадабоевнинг маҳорати юксак баҳоланди.

Торли чолғулар борасида скрипкада Русана Принц, Комила Норматова (Тошкент вилояти) ва Руслан Санькин (Тошкент шаҳри) чалган мусиқалар эътиборни торта олганлиги билан ажралиб турди.

Муҳаммадёр Тўлаганов (альт ижросида), Фаррух Ражабов (Хоразм) виолончелда

ўзларининг истеъдодини яна бир бор синондан ўтказишди. Дамли ва зарбли чолғулар йўналишида Тошкент шаҳридан ташриф буюрган иқтидор эгалари — Игорь Аҳмедов (флейта), Темур Солиҳов (гобой), Умид Иброҳимов (саксофон), Сардор Азимов (валторна), фортепьянода нафис оҳанглари ярата олган Исмоил Баҳруддинов, гитара чолғу

Tanlov

асбоби ёрдамида энг чиройли ашулаларни ижро этган Денис Мигерко танлов ғолиблигини қўлга киритишди.

Хоразмлик Инобат Мўминованинг флейта ижрочилигидаги қобилияти ҳам алоҳида эътироф этилди. Зарбли чолғуларда биринчи ўрин Қорақалпоғистон Республикасидан келган иқтидор эгаси — Огабек Отажоновга насиб этди.

Эстрада ижрочилиги борасидаги ашулалар танловда муҳим аҳамият касб этди. Созан-

да йўналишида фортепьянода ўз маҳоратини намойиш этган Алина Сорокина, гитарада оҳангдор кўшиқлар ижро этган Руслан Усмонов (Тошкент вилояти)нинг салоҳияти алоҳида қайд этилди.

Аққардеонда ўзига хос овоз билан янгилик яратган самарқандлик Ридван Бухоровнинг санъати юқори баҳоланди. Эстрада ижрочилиги бўйича ўғил болалар орасида биринчи ўрин Кўшкўпир туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Хурмат Худобоевга насиб этди. Қиз болалар ўртасида эса Тошкент вилоятдан ташриф буюрган Анара Ғафурованинг чиқиши фахрли ўринга муносиб деб топилди.

Танлов якунида умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти биринчи ўринга лойиқ, дея эътироф этилган бўлса, Хоразм жамоаларининг санъати алоҳида баҳоланди.

Танлов иштирокчилари диплом ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Феруза
ТАНГРИБЕРГАНОВА

Бир неча йилдан буён ҳар бир фан йўналишида ташаббускор, ижодкор ва илғор педагогларни аниқлаш, уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш, баркамол авлодга мукаммал таълим-тарбия беришни такомиллаштириш мақсадида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Ана шу танловнинг республика босқичида совринли ўринларни қўлга киритган Тошкент шаҳар педагоглари томонидан «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси ижодий мактаби» фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу мактаб-

ЁШ ПЕДАГОГЛАРГА МЕТОДИК КЎМАК

нинг асосий вазифаси устоз-ўқитувчиларнинг тажрибаларини ёш педагогларга ўргатиш, уларга амалий методик ёрдам кўрсатишдан иборат.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Методика маркази томонидан Яққасарой туманидаги 127-мактабда «Таълим мазмунини оширишда илғор тажрибалардан фойдаланиш» мавзусида илмий-амалий конференция ташкил

этилди. Унда она тили ва адабиёт фани бўйича «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб бўлган тажрибали устозлар ҳамда барча туманлардан ёш педагоглар иштирок этди. Устоз педагоглар ва ёш ўқитувчилар ҳамкорлигида ўзаро тажриба алмашиш, савол-жавоб тарзида ташкил этилган анжуманда ёш мутахассисларга методик маслаҳатлар берилди.

Ушбу тадбирнинг давоми сифатида шаҳар «Ёш педагоглар мактаби» аъзолари ўртасида «Кўноқлар ва зукколар» танлови ҳам ўтказилди. Унда иштирокчилар бешта йўналиш — таништирув, педагогик мавзуга оид савол-жавоб, муаммо ва ечим, спорт машқларини бажариш ва уйга вазифа каби мавзуларда билим ва салоҳиятларини намойиш этдилар.

З.АЗИМБОВА,
методист





Таълим самарадорлигига эришиш, ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини Давлат таълим стандарт(ДТС)лари талаблари даражасида эгаллашларини таъминлаш соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади ҳисобланади. Зеро, ушбу мақсад халқимизнинг олий орзуси — баркамол авлоднинг камалига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши узлуксиз таълим тизими ходимлари зиммасига янада юксак масъулият юклайди.

Аввало, баркамол шахс деганда ҳар жиҳатдан етуқ мутахассис тимсоли намоён бўлади. Бунда ҳар бир боланинг иқтидорини кашф этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда бола-ўқувчи қобилиятини ўз вақтида англай олиш, уни такомиллаштириш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат талаб этишини таъкидлаш жоиз. Ҳар бир шахснинг иқтидори психологик ва физиологик хусусиятлари асосида намоён бўлади. Бу шахснинг ўзига хослиги, индивидуаллигини ифодалайди.

Ҳар бир ўқувчининг ўзига хос қизиқиши ва қобилияти бўлганлиги учун ҳам турли шахсга хос барча хусусиятларни (мустақилликка интилувчанлик, эркин фикрлаш, қатъийлик, ўз-ўзини баҳолашга эҳтиёж сезиши) ҳисобга олган ҳолда, ўқувчига ўзига хослик(индивидуаллик)ни ривожлантириш, намоён этишга шароит яратиш муҳим аҳамиятга

лакаларни эгаллаш имкониятига эга.

Шахсга йўналтирилган таълим деганда, биз кўпроқ ўқувчиларнинг шахсий манфаатлари, эҳтиёжларини назарда тутамиз. Бунда таълимнинг мазмуни ўқувчи шахсининг қизиқишларига мос равишда йўналтирилиши, унинг қизиқишлари ва лаёқатини қўллаб-қувватлаш бош мақсад қилиб

— муаммоли ўқитиш технологияси;

— дифференциал ўқитиш; — индивидуал ўқитиш технологияси.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бирида таълим ўқувчи шахсининг қизиқиши, қобилияти, имконияти ва шарт-шароитлари эътиборга олиниб ташкил этилади. Айниқса, шахсга йўналтирилган таълимда ўқувчида мустақил фикрлаш орқали муаммоли вазиятлардан чиқишга интилиш малакасини шакллантиришга алоҳида урғу берилди.

Мустақил ўқиб-ўрганиш, ўқув жараёнидаги қийин вазиятларда ўқитувчининг ёрдами-сиз муаммоларни ҳал қилишга уриниш, шундан кейингина ўзининг хулосалари тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчининг ёрдамига таяниш зарурлигини англаш муҳимдир.

Ўқув жараёнига фаол ёндашиш юзаки қараганда оддий бўлиб кўриниши мумкин. Ўқитувчи бирор ҳодисани узок вақт тушунтириш ўрнига ўқувчида дарсликдаги маълум мавзунини мустақил ўқиб-ўрганишга, мавзу юзасидан берилган

Бунга ўқувчининг ўз билими ва қобилиятига ишонч ҳиссини ошириши ўта таъсирчан омилдир. Ушбу вазифани амалга оширишнинг ҳар бир босқичида ўқувчининг жисмоний, ақлий ва руҳий жиҳатдан ривожланиш даражалари тахлил қилиниб, зарурий тавсияларни бериб, педагогик қўллаб-қувватлаш, унинг фаолиятига зарур ўринларда тузатиш ва қўшимчалар киритиб бориш муҳим. Ўқувчининг шахсий мустақил билиш фаолияти уларнинг ички мотивацияси юқори даражада бўлганда фаол ва самарали бўлади. Билиш ва ижодий фаолиятга нисбатан мотивация даражасини оширишнинг самарали воситаси — муаммоли ўқитиш усули ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб мажбурий бўлмаган дарслар ҳақида гап кетганда, муаммоли ўқитиш усули мақсадга мувофиқ эканлиги эътирозга ўрин қолдирмайди. Оддий дарсларда ўқитувчи берадиган вазифа кўпинча самарасиз, мажбур этувчи мотивация ҳисобланади. Ўқувчиларнинг дарсларда зеркиши бу — уларнинг дангасалигидан

Dolzarb mavzu



қадриятларни ўзлаштириши фақат унинг шахсий фаолияти натижасида амалга ошади.

Ўқувчи шахсига йўналтирилган таълимда қуйидаги тавсиялар муҳим ҳисобланади:

1. Ихтисослашган мактаблар фаолиятини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга имкон берувчи ижтимоий, моддий-техник, педагогик ҳамда психологик имкониятлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаш.

2. Ривожланган хорижий мамлакатлар, шунингдек, республика таълим муассасаларида болалар иқтидорини кашф этиш ва уларни ўқитиш борасида тўпланган тажрибаларни ўрганиш, миллий-минтақавий хусусиятларни инобатга олган ҳолда уларни узлуксиз таълим тизимига татбиқ этиш.

3. Илғор ёндашувлар асосида иқтидорли болаларни ўқитишга ихтисослашган таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлигини таъминловчи бошқарув ва педагогик жараён мазмуни ҳамда

ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ

ўқувчи интеллектуал қобилиятини ривожлантириш омили

эга. Чунки уларнинг турли ўқув фанларидан билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш даражалари ҳам турлича бўлиб, математика ёки табиий фанлардан яхши ўзлаштирувчи ўқувчилар, бошқа фанлардан нисбатан пастроқ ўзлаштиришлари табиий ҳолдир.


Республикада мустақиллик йилларида ўқувчининг иқтидори, қизиқиш ва қобилияти асосида ихтисослаштирилган таълимнинг ташкил этилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу соҳада тўпланган тажрибаларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги "Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 173-сонли қарори ўқувчилар иқтидорини аниқ йўналтирилган ҳолда такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2009—2010 ўқув йилида республикадаги 164та давлат ихтисослашган мактаб-интернатларида 44380 нафар, 203та ихтисослашган умумтаълим муассасаларида 105607 нафар ўқувчиларнинг тахсил олаётганлиги эътиборга молик. Бу таълим муассасалари битирувчиларининг аксарияти танлаган мутахассисликлари бўйича олий ўқув юртига тест синовлари орқали талабалikka қабул қилинаётганлиги фикримизнинг исботидир. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашнинг, бундан ташқари, фанларни чуқурлаштириб билим берадиган махсус синфлар, шунингдек, репетитор (индивидуал қўшимча ўқитиш) каби шакллари ҳам мавжудки, бунда ўқувчилар ўзлари қизиққан фанлардан кенгроқ ва чуқурроқ билим, кўникма ва ма-

олинад. Ўқувчининг ўз-ўзини билиши, шахсининг ўзига хослиги, унинг ривожланиш даражаси, келгусидаги орзу-мақсадларига эришиш учун қилаётган ҳатти-ҳаракатлари замирида пухта билим олиш, таълимнинг кейинги босқичига тайёрланиш мужассам. Унинг қизиқишлари, фантазияси аниқ мақсад сари йўналтирилган бўлиб, ўз манфаатларини фанлардан Давлат таълим стандартлари талаблари асосида нафақат минимал даражадаги балки, максимал даражадаги билимларни эгаллаш билан ҳимоя қилишга қодир бўлиши мумкин. Бунинг учун эса, ўқитувчилар томонидан уларнинг интилиш ва қизиқишларини рағбатлантириб бориш катта аҳамият касб этади. Бундай ёндашув орқали таълим жараёнини амалга оширишда ўқувчининг билим олиш жараёнини ўз ичига олган, ўқитувчи—ўқувчи—ўқитувчи муносабати ҳамкорлиги ва эркин танлаш принципи, ўқувчидаги табиий қобилият (иқтидор) уни танлаган соҳаси билан шуғуланишдан зериктирмайди, аксинча, билимларни такомиллаштириш сари ундайди. Чунки у аниқ мақсад сари интилаётганлигини тасаввур эта олади, бу йўлда унга маслакдош бўлиб, қўллаб-қувватладиган устозлари бор.

Педагог олимлар томонидан таълим жараёнида шахсга йўналтирилган ёндашувнинг асосланган педагогик технологиялари ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидагилардан иборат:

- шахсга йўналтирилган таълим;
- ҳамкорлик педагогикаси;
- адаптив мулоқот педагогик технологияси;
- ўйин технологияси;
- ривожланган ўқитиш технологияси;



амалий тажрибаларни мустақил бажариш, ўқув натижаларини текшириш учун тест саволларига мустақил жавоб тайёрлашни топшириши ижобий натижа беради. Агар ўқувчи ўз ўқув фаолиятининг моҳиятини кўра олмас, у ўқув мақсадини тан олмайди, ўқитувчи қўйган вазифаларни тушунмайди ва қабул қилмайди. Шунинг учун ўқув материал мазмуни аввал ўқитувчи томонидан ижобий ўзлаштирилиб, қайта ишланиб, ундан ўқувчини қизиқтирадиган, шахсий тажрибасига мос келиб, фикрини кўзгайдиган, ҳаяжонга соладиган хос жиҳатлар белгилаб етказилгандагина натижаси самарали бўлиши исботланган. Ана шундангина ўқувчи ўзини ушбу ҳодисаларнинг бевосита иштирокчиси ва ижодкори деб ҳисоблайди.

Ўқитувчи ўқувчини суст тингловчидан дарс жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириши катта аҳамиятга эга.

эмас, балки ўқитувчининг уларни ўтилаётган мавзуга қизиқтира олмаганлигидан келиб чиқшини унутмаслик лозим. Кўп дарслар одатда "сўров-тушунтириш — олинган билимларни мустаҳкамлаш — уйга вазифа" схемаси асосида ўтилади. Оқибатда, айрим ўқувчиларнинг онги ва кўли бўш қолади.

Дарс жараёнида мақсаддан четлашиш, ўқувчилар билан зарур бўлмаган соҳада мулоқот қилиб, вақтни беҳуда ўтказиш, дарсликдан бошқа қўшимча адабиётларни ўқимаслик дарс мазмунига салбий таъсир ўтказувчи жиҳатлардир. Шунингдек, қийин ва ғализ саволларни бериш ҳам ўқувчиларни ноқулай ҳолатга солиб, охир-оқибат фандан ва ўқитувчидан бешишга олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим-тарбия асосида шахснинг интенсиф ривожланиши, моддий-маънавий

амалий асосларини ишлаб чиқиш.

4. Ихтисослашган таълим муассасалари ҳамда оилалар ўртасида иқтидорли болаларни самарали ўқитиш йўлида ўзаро ҳамкорлики қарор топтириш.

5. Иқтидорли болаларни ўқитишга ихтисослашган таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи методик тавсия ва қўшимча ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш тизимини ташкил этиш.

Ушбу жараёнларнинг барчаси ўқувчи иқтидорини кашф этиш, уни шахс сифатида ўзини намоён этишга имконият яратишга шароит яратиши билан аҳамиятлидир. Демак, бу борадаги ишларимизни мунтазам такомиллаштириб бориш халқимиз орзусининг рўёбига хизмат қилиши шубҳасиз.

Раҳматилла МУСУРМОНОВ,
педагогика фанлари номзоди



✓ "БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ" МУНОСАБАТИ БИЛАН "СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ХАМДА МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ХАМКОРЛИГИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА "БАҲОРОЙ САЙЛИ" ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, мактаб-гача таълим муассасаларидаги тарбияланувчиларни жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишларига жалб этиш, уларнинг интеллектуал, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш, қўлда ишланган асарлари ва расмлари орқали кичкинтойларда меҳрибонлик, оққўнгиллик, олижаноблик каби хислатларни тарбиялаш, санъат ва маданиятга бўлган қизиқишларини янада ошириш, дўстлик, биродарлик ва бирдамлик фазилатларини камол топтиришдан иборатдир.

Ана шундай қизиқарли тадбир Жиззах вилоятида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Жиззах шаҳридаги «Истиклол» болалар боғи сайл қатнашчилари билан тўлиб кетди. Туманлардан келган

болажонларнинг қувонч ва шодлиги оламга сиймайди. Шу куни «Истиклол» боғидаги барча аттракцион ва ўйинлар барча сайл қатнашчиларига бепул хизмат кўрсатди.

— Сайлда қизиқарли тадбирлар йўлга қўйилди, — дейди вилоят халқ таълими бош бошқармасининг МТМ бош мутахассиси Гулчехра Арибжонова. — Болажонлар томонидан «Кичкинтой кубоги» спорт фестивали, баҳор мавзусида асфалтга расм чизиш, расмлар ва қўл ишлари бўйича кўргазма, концерт дастури ва сахна кўринишлари намойиш этилди. Бундай қизиқарли тадбирлар боғча тарбияланувчиларига олам-олам завқ ва қувонч бағишлади.

Тадбирда энг фаол иштирок этган боғчаларга эсдалик совғалари тақдим этилди. Хусусан, Жиззах шаҳридаги «Ниҳол», «Ойгул», «Қалдирғоч», «Камалак», «Хумо», Жиззах туманидаги «Дилноза», Дўстлик туманидаги «Баҳор» МТМлари совринли ўринларга муносиб деб топилди.

Абдусаттор СОДИҚОВ
Жиззах вилояти.

✓ ЖАРҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ 3-МАКТАБДА "БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА УЗЛУКСИЗ МЕТОДИК ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ" МАВЗУСИДА ВИЛОЯТ ЎҚУВ АМАЛИЙ СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Таълимнинг пойдеворини яратувчи бошланғич синф ўқитувчилари ва услубчилар иштирок этган тадбирда дастлаб тумандаги таълим масканларида фаолият юритаётган бошланғич синф методбирлашмалари танлови ташкил этилди. Шунингдек, фан ойлуклари доирасида амалга оширилган ишлар кўргазмаси йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Шундан сўнг, бошланғич синф ўқитувчилари И.Холова, Р.Холиқов, М.Мусурмонова, С.Донаева, М.Абдураимова, М.Ҳожааҳмедованинг очик дарслари кузатилди. Янги педагогик технологиялар асосида ташкил этилган машғулотлар кузатувчилар томонидан юқори баҳоланди. Уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳам тавсия этилди.

Норкуват ТЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

✓ БУХОРО ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ, ВИЛОЯТ МЕТОДИКА МАРКАЗИ ФИЖДУВОН ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ХАМКОРЛИГИДА ШАҲАРДАГИ 1-МАКТАБДА «БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ ОМИЛЛАРИ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.

Унда баркамол авлодни шакллантиришнинг педагогик ва психологик муаммолари муҳокама қилинди. Ўқитишнинг замонавий усуллари ва технологиялари асосида ўқув жараёнини ташкил этган илгор ва ёш ўқитувчилар И.Сафарова, Г.Самадова, Г.Адизова, Г.Йўлдиева, А.Сафарова, З.Каримованинг иш тажрибалари, дарс ишланмалари билан семинар иштирокчилари таништирилди.

Семинарнинг амалий қисмида мактаб илгор ўқитувчилари дарслари таҳлил қилинди. Унда ташаббускор ўқитувчи Г.Қўлдошева томонидан ташкил қилинган маънавий-маърифий тадбирларнинг интеллектуал ўйинлар ва сахна кўринишларига бойлиги билан семинар иштирокчиларига манзур бўлди.

Сора ТОШЕВА

✓ «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ»ДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ ТОМОНИДАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

БУНДА БИРИНЧИ НАВБАТДА ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТУК МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЖИДДИЙ АҲАМИЯТ БЕРИЛАЯПТИ. ТАЪЛИМНИНГ ТАРБИЯВИЙ ТОМОНИГА ҲАМ ЧЎКУР ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИБ, МАХСУС ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАР РЕЖАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Фарб филологияси ва умуман европашунослар тайёрлаб келинаётган хорижий филология факультетида ҳам фақат дарс аудиторияларида эмас, талабалар турар жойларида ҳам кўшимча тадбирлар ўтказилмоқда.

Кунни кеча 18-талабалар ётоқхонасида ўтказилган авестошунос олим ва ёзувчи Тоҳир Карим ҳамда файласуф, профессор Бахтиёр Каримов билан учрашув ҳам таълимий жиҳатдан жуда фойдали бўлди.

Нигина РАСУЛЕВА,
Нигора САЛИЕВА,
ЎЗМУ хорижий филология факультети талабалари



✓ НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА «БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ» ДЕБ НОМЛАНГАН АМАЛИЙ ЎҚУВ СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Мазкур семинар-тренинг етакчиларнинг малакасини ошириш, ёшларнинг ташаббус ва иқтидорларини қўллаб-қувватлаш, уларда том маънода етакчилик сифатларини камол топтириш ҳамда ҳаракат фаолиятини кенгайтириш мақсадида ташкил этилди. Машғулотлар тўрт кун давомида олиб борилди. Институтнинг академик гуруҳлари, курс ва факультет етакчиларидан иборат иштирокчиларга «Камолот» ЁИХ фаолияти, унинг асосий бўғини саналувчи бошланғич ташкилотлар, етакчилар ва уларнинг вазифалари малакали мутахассис ва тренерлар томонидан батафсил тушунтириб берилди. Талабалар омма олдида ўзини бошқариш, нотиқлик, жамоа билан ишлаш қоидалари ва тартиби билан танишиб чиқди. Интерфаол ўйинлар, қизиқарли машғулотлар ва эркин мулоқот иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Нурали ЖАМИЛОВ,
Навоий давлат педагогика институти талабаси

ди. «Элни азиз қилган, элда азизлар!» деб номланган очик тарбиявий соатда ўқувчилар масъулиятли ва шарафли касб соҳибларининг машаққатли меҳнатлари хусусида фикр юритдилар. Келажакда ўзларининг ҳам елкаларига шундай масъулият юкланажagini ҳис қилган ҳолда устозлар тажрибасини ўрганишни асосий мақсадлари деб белгилдилар.

Ёш авлодга таълим-тарбия берадиган устоз қандай ижобий хусусиятларга эга бўлиши кераклиги, ўқитувчи масъулияти, салоҳияти кабилар мазкур тадбирнинг асосий мавзуси бўлди.

Тадбир якунида ўқитувчилик касбини улугловчи ҳикमतлар, шеър ва кўшиқлар, сахна асарлари бўлажак педагоглар томонидан ижро этилди.

Марҳамат ХУДОЙКУЛОВА,
коллекж ўқитувчиси



✓ ЁШЛАРНИНГ БИРОР ЧЕТ ТИЛИНИ МУКАММАЛ ЎЗЛАШТИРИШИ ЗАМОН ТАЛАБИ ҲИСОБЛАНАДИ. «МАЙ — ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАНЛАРИ ОЙЛИГИ»ДА УЛАРНИНГ БИЛИМ ДАРАЖАСИНИ ЯНА БИР ҚАДАР ОШИРИШГА ЭРИШИЛДИ.

Шайхонтохур туманидаги 132-мактабда ойлик доирасида ўқувчиларнинг мустақил фикрлай олиши ва фанга қизиқишини ошириш мақсадида синфларда турли мавзуларда давра суҳбати ва очик дарслар уюштирилди. Унга кўра ҳар бир ўқувчи мустақил равишда уй вазифаси тайёрлаб, ўқитувчи ёрдамида дарс олиб бордилар.

Анжуманлар залида эса юқори синф ўқувчилари билан «Memory Day reciting poems» деб номланган инглиззабон шоирлар шеърларини ифодали ўқиш кечаси бўлиб ўтди. Кечада Вильям Шекспир, Роберт Бёрнс, Мозеф Арнольд каби шоирларнинг шеърларидан парчалар тингланди. Энг фаол қатнашган ўқувчилар эса совға ва мақтов ёрликларига эга бўлди. Шунингдек, чет эллик меҳмонлар таклиф қилиниб, ўқувчиларнинг инглиз тилида сўзлаш маҳоратлари оширилишига кўмаклашилди.

Бундан ташқари, юқори синф ўқувчилари ичидан чет тилларига қизиқадиганлари билан ЎзДЖТУ қошидаги Учтепа академик лицейи ва ТДШИ қошидаги Юнусобод хорижий тиллар академик лицейига экскурсия уюштирилди.

Б.НУРМУҲАМЕДОВА,
Л.АБДУАЗИЗОВА

✓ РАНГ-БАРАНГ ШАРЛАР, ЧИРОЙЛИ ГУЛЛАР ВА ТУРФА ЎЙИНЧОҚЛАР БИЛАН БЕЗАТИЛГАН САҲНАДА СУРХОНЧА МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРДАГИ ҚИЗАЛОҚЛАР. УЛАРНИНГ СОЧПОПУКЛАРИНИ ШИЛДИРАТИБ РАҚСГА ТУШАЁТГАНИ ҲАР БИР ИНСОҢ ҚАЛБИДА БОЛАЛИК СОҒИНЧИНИ УЙҒОТСА, АЖАБ ЭМАС.

Бир-бирдан шўх, ажойиб рақс ҳамда ашулалар Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган Юнусобод туман ХТБнинг МТМлари томонидан «Олтин хумо» деб номланувчи истеъдодли болалар ижодий фестивалида ижро этилди.

Унда биринчи босқичда иштирок этган 61та МТМ жамоалари орасидан сараланган 28та боғчанинг истеъдодли тарбияланувчилари ўз маҳоратларини намойиш этишди.

— Туманимиз тасарруфидаги МТМ тарбияланувчиларининг санъатга бўлган қизиқишини ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ҳар йили барча боғчаларнинг истеъдодли болалари иштирокида ушбу фестивални ўтказиб келамиз, — дейди туман МТМ методисти Манзура Ашрафхонова. — Бугунги жамоалар орасидан энг яхши деб топилганлари шаҳар миқёсида ўтказиладиган «Истиклол юлдузчалари» мусиқий фестивалида иштирок этишади.

Ушбу тадбир болажонлар билан бирга уларнинг ота-оналарини ҳам бефарқ қолдирмаётгани фестивалга ташриф буюрган меҳмонларнинг кўплигидан ҳам кўриниб турибди.

— Қизим Жасмина бу йил 6 ёшга тўлади, — дейди фарзандининг чиқишини интизорлик билан кутаётган Феруза Ниязметова. — У туманимиздаги 304-МТМда тарбияланади. Бугун у хоразмча рақсини ижро этади. Унинг санъатга қизиқишидан хурсандимиз. Байрам тадбирларида қизимнинг иштирок этиши оиламиз учун ҳам катта тантана.

Айниқса, жажжи болажонлар томонидан ижро этилган «Хуш келдингиз», «Ўғил бола», «Ўзбегим қизлари», «Хоразмча рақс», «Тожикча рақс» барчанинг завқини ошириб, беихтиёр болаликнинг шўх дамларига қайтаргандек бўлди.

Райҳона ХЎЖАЕВА



«Баркамол авлод йили»да мамлакатимизнинг ҳар бир таълим масканида ибратли ва хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Қўрғонтепа тумани ХТБ тасарруфида та МТМ фаолият юритади. Уларнинг ҳар бирида бугунги кун талаблари даражасида иш олиб борилаётир.

Оталар изидан — Ёш шахматчилар болалар

Тажрибали педагог Дилфузахон Тожибоева раҳбарлик қилаётган 5-МТМ тумандаги илғор жа-

Туманнинг Дардоқ қишлоғи марказидаги барча биналар орасида энг кўзга ташланадиган, обод ва кўрками бу — 13-

Боғчада туман ўқувчи-ёшлар ижодиёти маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган рус тили, инглиз тили, «Бўш ўтирма» тўғараклари фаолиятдан ота-оналар ҳам мамнун.

— Фарзандларимизнинг боғчадаги ҳар бир куни мазмунли ўтаётганлигидан, ақлан ва маънан

Жумладан, март ойи «Буюк сиймолар» мавзусига бағишланди. Тарбиячилар раҳбарлигида кичкинтойлар томонидан тайёрланган «Буюк сиймолар — болалар нигоҳида» деб номланган тadbир ота-оналар, меҳмонлар ва қишлоқ аҳлида катта таассурот қолдирди.

— Болаларнинг ажодларимиз сиймосида саҳнага

«Боламни шу боғчага бераман»

Шундай ниятда юрган ота-оналарнинг кўпчилигидан бунинг сабабини суриштирсангиз туман марказидаги 4-МТМда яратилган шароит, тарбиячиларнинг болажонлиги, озиқ-овқатларнинг сифатли ва мазали экан-

БОЛА УЧУН ИМКОНИЯТЛАР Кўрғонтепалик МТМ ходимлари шиоридир

моалардан бири. Муассаса ҳовлисига кириб борар эканмиз, энг аввало, у ердаги саришталик, озодаликка ҳавас қилдик. Ушбу масканда болаларга экологик тарбия бериш етакчи йўналишлардан бири бўлганлиги тўғрисида турли кўргазмалар, ўйинчоқлар шу мавзуга бағишлаб тайёрланган.

Боғчада ташкил этилган жонли бурчак болаларнинг энг севимли жойи. Турли балиқлар, қушлар ва қуёнлар қайси боланинг диққат-эътиборини тортмайди, дейсиз.

Комила Тошпўлатова, Одина Мадаминова, Турсуной Худойбердиева ва Ҳабиба Ҳамробоева каби фидойи тарбиячилар меҳнати тўғрисида боғча кенг жамоатчилиги эътироф этган тарбия масканига айланди. Туманнинг ҳар бир тadbир ёки тантанасида, албатта, 5-МТМ тарбиячилари ўз чиқишлари билан барчани хушнуд этишади.

Боғчада турли тўғараклар бор. Тарбиячи Муаззамхон Ҳасанова бадий гимнастика, Замира Жумабоева рақс, Диёра Абдурахмонова кўғирчоқ театри тўғрисида машғулоти олиб боради. Муассасада «Ота-оналар университети» ҳам бўлиб, у ёш ота-оналар билан доимий ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда.

болалар боғчаси. Дардоқ вилоятдаги энг сўлим, обод қишлоқлардан бири.

Муассаса мудираси Комилахон Муродова янгилликка интилувчан, болаларнинг боғчадаги ҳар бир кунини мазмунли ўтказишга ҳаракат қиладиган раҳбарлардан. Унинг саъй-ҳаракати ва жамоа меҳнати билан боғча биноси ҳар йили жорий таъмирланапти.

— Наврўз байрами арафасида боғча биносини жорий таъмирладик, — дейди муассаса мудираси. — Таъмирлаш ишларига Абдупатто Умаров, фермерлар Ҳамдамжон Халилов ва Олимжон Аҳмедов катта ёрдам беришди.

Мазкур МТМни кўрғонтепаликлар «Шахматчилар боғчаси» деб ҳам аташади. Боиси, боғчада шахмат-шашка тўғрисида фаолияти яхши йўлга қўйилган. 2009 йили ушбу тўғарак қатнашчилари — Бобуржон Собиров ва Умида Одилова вилоят мусобақасида голибликни қўлга киритган. Айти пайтда боғчадаги шахмат-шашка тўғрагида 12 нафар бола шуғулланиб, уларга тўғарак раҳбари Жаҳонгир Абдуманнопов ўйин сирларини ўргатапти.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

камолотга эришаётганлигидан мамнунмиз, — дейди шу қишлоқда яшовчи Зулфизар Ваҳобова. — Менинг икки нафар фарзандим шу масканда тарбияланади. Боғчада болаларга яратилган шароит, тарбиячиларнинг фидойилиги таҳсинга лойиқ.

Бугун масканга кирсангиз, ажиб манзарадан баҳраманд бўласиз. Атроф ям-яшил. Гулзорлар орасига ерёнғоқ, шифобахш кўкатлар экилган. Олма, ёнғоқ, олча дарахлари парваришланапти.

Қишлоқнинг маънавият ўчоғи

Савай қишлоғидаги 25-МТМ нафақат болаларнинг севимли жойи, балки ёш оналарнинг маданият, маънавият марказига ҳам айланган. Боғчадаги 3та гуруҳда 55 нафар кичкинтой тарбияланмоқда.

— Бугун энг асосий эътиборни тарбияланувчилар саломатлигини таъминлашга қаратилган машғулотлар, ўйинлар ва ҳаракатли машқлар ўтказишга қаратяпмиз, — дейди боғча мудираси Руқияхон Умарова.

Жамоа фаолияти ҳар бир ойда маълум мақсад ва мазмунга йўналтирилади.

чиқиши, бийрон-бийрон

шеър, қўшиқларни айтиши мени ҳаяжонга солди, — дейди МТМ ота-оналар кўмитаси раиси Матлубахон Кўзиева. — Муассаса ходимлари сидқидилдан ишлаб, болаларни зукко, маънавиятли қилиб тарбияламоқдалар.

Болалар томонидан намойиш этилган «Конституция — бахтимиз пойдевори», «Отам билан фахрланаман», «Оналар меҳри — оламни безар» каби тadbирлар ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Тарбиячи Мавлуда Шерматова раҳбарлигида болаларнинг ўзлари турли эртақларни саҳналаштиришяпти.

Тарбия масканининг олти сотих майдонида турли кўкатлар, сабзи, помидор, картошка парваришланапти. Олхўри, олма, беҳи каби мевалардан ўтган йили мўл ҳосил олинди. Мевалардан тайёрланган шарбат, туршаклар ҳозир ҳам болалар дастурхонини безаб турибди.

Сармоядан ташқари маблағ ишлаб топиш ва бу маблағлардан самарали фойдаланиш тажрибаси йўлга қўйилган. Боғча биносининг бўш турган хоналарида қишлоқ тadbиркорлари билан келишилган ҳолда тикувчилик цехи ташкил этилди.

лигини таъкидлашади.

— Иссиқхонадаги кўчатларимиз етилиб қолди, уларни очик майдонларга экяпмиз. 8 сотихдан зиёд экин майдонига помидор, редиска, булғор қалампир, ловия, маккажўхори ва бошқа экинларни экдик. Таом тайёрлаш учун массаликлар ўзимиздан чиқади, — дейди боғча мудираси Хатирахон Охунжонова.

Таълим масканида нафақат озиқ-овқатга, балки тарбияланувчиларнинг ўйин ва бошқа машғулоти қилиб ҳам катта эътибор қаратилади. Фарида Маткаримова, Одина Деҳқоннова каби тарбиячилар ҳар бир машғулотни имкон қадар қизиқарли ўтказишга ҳаракат қилишади.

Боғчада ташкил этилган спорт, инглиз тили ва рус тили тўғрисидаги болалар дунёқараши шаклланишига ижобий таъсир кўрсатаётганлиги тўғрисида ота-оналар ҳам бунга хайрихоҳ.

Қисқача айтганда, Қўрғонтепа туманидаги МТМларда амалга оширилаётган бу каби самарали ишлар эртанинг эгаларининг ҳар томонлама етук шахслар бўлиб камол топишига хизмат қилади кишини қувонтиради.

Орифжон СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири



Юнусобод туман ХТБга қарашли 366-мактабгача таълим муассасасида «Китобим — офтобим» номли болалар кутубхонаси ташкил этилди.

Унда ўзбек, рус, инглиз тилларида 400 дан ортиқ китоб мавжуд бўлиб, ёш оналар учун қўлланмалар, тавсиялар, бадий асарлар, болалар учун рангбаранг эртақ ва топишмоқ китоблар барчанинг эътиборини тортмоқда.

— МТМда китоблардан фойдаланиш бўйича махсус дастур тузилган. Ушбу дастурнинг асосий вазифаси ҳар бир болада мулоқот, таълим-тарбия, меҳнат, меҳр-оқибат, Ватанга муҳаббат ва садоқат, ота-онага ҳурмат, тева-рак-атрофга дўстона муносабат, табиатни асраш каби инсоний фазилатларни шакллантиришдан иборат, — дейди муассаса мудираси Маҳфузахон Жўраева. — Дастурни



амалга оширишда Юнусобод туманининг Шаҳристон кўчаси, Ғайратий маҳалласи фойдалари, ота-оналар, мактабгача таълим муассасаси педагог ходимлари ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Лобар АҲМАДЖОНОВА



Айни пайтда юртимиз умумтаълим мактабларида ўқув йили якунланиш арафасида. Ҳадемай "Сўнги кўнгирак" жаранглайди. 4-, 8-, 10-синф ўқувчилари синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларини топширса, битирувчи синф ўқувчилари якуний аттестация синовларидан ўтади.

Китоб туманидаги 79-умумий ўрта таълим мактабида 73 нафар ўқитувчи 712 нафар ёшларга билим

БИЛИМЛАР СИНОВИ

беради. Мактабда таълим-тарбия ишлари намунали ташкил этилиб, ўқувчиларнинг туман ва вилоят миқёсидаги кўрик-танлов ва фан олимпиадаларида эришаётган натижалари юқори. Жорий ўқув йилида мактабнинг 3 нафар ўқувчиси фан олимпиадаларининг вилоят босқичида фаол иштирок этди. Хусусан, Жонибек Аб-

Jarayon



дуллаев география фанидан вилоятда фахрли 1-ўринни эгаллаб, олимпиаданинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Синфдан ташқари ишлар ва спорт соҳасида ҳам мак-

таб ўқувчилари бир қатор ютуқларга эришмоқда.

— Мактабимизда жорий ўқув йилида 13та синфда 26та синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари, 5та синфда 39та битириш имтиҳонлари бўлди, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Қўзибой Шукуров.

— Барча синфлар ва фан-

лар бўйича аттестация саволномаларини тайёрлаб қўйганмиз, — дейди мактаб директори Шарофхон Исломов. Мактабда аттестация гуруҳи тузилган. Имтиҳон жадваллари тасдиқланиб, аттестация бурчаги ташкил этилган. Умуман, жорий ўқув йили якунидаги аттестация жараёнига педагогик жамоамизнинг 32 нафар фаол ва ташаббускор аъзоси жалб этилган.

Абдували ОБИДДИНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Олий таълим:

МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ ОЛИМПИАДАСИ

ёш илмий кадрларни кашф этмоқда

Республикамиз олий ўқув юртлири талаба-ёшлари ўртасида ўтказиладиган фан олимпиадасининг республика босқичи бошланди.

Беллашувлар ҳар йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан талабалар иқтидорини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларни билим-кўникмаларни эгаллаш йўлида собитқадамлик билан ҳаракат қилишга ундаш мақсадида ташкил этилади.

Шу кунларда биология ва микробиология махсус фанлари бўйича олимпиада бир вақтнинг ўзида Тошкент давлат аграр университети ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўтказилди.


— Махсус фан сифатида биологияни ўрганадиган талабалар ўртасидаги олимпиада баҳслари анъанага мувофиқ университетимизда ўтказилади, — дейди Олимпиада ташкилий кўмитасининг масъул котиби, ТДАУнинг иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Омон Мамадиев. — Республикамизнинг барча вилоятларидан келган бўлажак биология мутахассислари ушбу фан бўйича ўз билимларини синовдан ўтказишди. Турли олий ўқув юртлири ўқитувчилари ва биолог олимлардан ташкил топган ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан эса тўрт тур натижаларига кўра голибни аниқлаш талаб қилинди. Кучлилар синовни ёзма иш, тест, генетика масалаларини ечиш ва муаммоли турдаги саволларга оғзаки жавоб бериш каби топшириқлар асосида ташкил этилди.

Шу тариқа, якунда Урганч давлат университети талабаси М.Бекчонова биринчи, Тошкент давлат педагогика университети вакили К.Жалолов иккинчи, Гулистон давлат университети иштирокчиси Б.Жўрақулов учинчи ўринни эгаллади.

Айни пайтда Тошкент педиатрия тиббиёт институти ТПТИда бўлиб ўтган олимпиадада Самарқанд, Бухоро ва Андижон вилоятларидаги тиббиёт институтилари, Тошкент тиббиёт академияси ҳамда унинг Урганч ва Фарғона вилояти филиаллари, шунингдек, Тошкент фармацевтика институти, ТПТИ ва унинг Нукусдаги филиали талабалари қатнашди. Мазкур беллашувларда ТПТИ талабаси Э.Маражабова тенгсиз эканини намойиш этди ва етакчиликни охиригигача қўлдан бой бермади. Натижада, у энг юқори погонани эгаллади. Шунингдек, ТПТИ Нукус филиали вакили М.Набиева (иккинчи ўрин) ва ТТА Урганч филиали талабаси З.Матмуродов (учинчи ўрин) ҳам совриндорлар сафидан жой эгаллади.

Н.РУСТАМБЕКОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Olimpiada-2010



Истеъдод ёш танламайди. Жиззах давлат педагогика институтида ўтган фан олимпиада яна бир бор ўз исботини топди. Ушбу оли ўқув юртида ўтган баҳсларда талабалар кимё, физика, биология ҳамда немис тили фанлари бўйича ўзаро билимларини синовдан ўтказди. Аввало шуни қайд этиш керакки, олимпиадани юксак савияда ўтказиш учун яратилган шароит ва эътибор йигит-қизларнинг фанлар бўйича олган назарий ва амалий билимларини холисона синовдан ўтказишга имкон берди.

Физика фанидан бўлиб ўтган билимлар синовни талабалар орасидаги чинакам истеъдод ва маҳорат эгаларини аниқлади. Мазкур баҳсда республикамиздаги 22та олий таълим муассасаси вакиллари иштирок этди. Олимпиаданинг 2-босқичида олдинги синовларда фақат 1-ўринни эгаллаган талабалар қатнашгани мунозараларнинг қизғин кечишига асос бўлди. Голибларни аниқлаш эса, ҳакамлар ҳайъатига осон бўлмади. Чунки иштирокчиларнинг ҳар бири ўзига хос билими ва дунёқараши билан

голибликка даъвогар эди. Шундай қилиб, мазкур билимлар синовида Тошкент темир йўллар муҳандислиги институти талабаси Рошидон Бозоров 1-ўринга муносиб деб топилди. Жиззах давлат педагогика институти талабаси Аббос Ёриева 2-, Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Мақсуд Қурбоновга 3-ўрин насиб этди.

Кимё фани бўйича ўтказилган олимпиада голиблари ҳам маълум бўлди. Фахрли 1-ўринга Жиззах давлат педагогика институти табиатшунослик факультети 3-босқич талабаси Одил Ражабов муносиб деб топилди. Самарқанд давлат университети табиий фанлар факультети 2-босқич талабаси Собира Шамсиддинова иккинчи, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агрономия факультети 1-босқич талабаси Лочин Орипов учинчи ўринни эгаллади.

Айни кунларда талабалар биология ва немис тили фани бўйича ўзаро беллашмоқдалар. Голиблар олимпиада якунида маълум бўлади.

А.СОДИКОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Олий таълим муассасалари талабаларининг республика фан олимпиадаси II босқичи «Машина ва механизмлар назарияси» фанидан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўтказилди.

Танлов низоми асосида олимпиадани ташкил қилишни институтининг «Механизмлар назарияси ва машина деталлари» кафедраси жамоаси ўз зиммасига олди. Олимпиада 4 турда ўтказилди. Талабаларни баҳолаб бориш учун Ҳакамлар ҳайъати аъзолари олимпиада иштирокчиларининг ўқитувчилари орасидан қуръа ташлаш йўли билан танлаб олинди. Шундан сўнг, олимпиадада қатнашчи талабалардан бири чиқиб, ота-оналар, ўқитувчилар ҳамда талабалар гувоҳлигида 3та муҳрланган тест вариантларидан бирини танлаб очди.

— Тест саволлари асосан талабаларнинг дарсликларидан олинди, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакили, ҳайъат аъзоси Тўхтаҳужа Дадаев. — Олимпиадада иқтидор эгалари 4та турда ўз билимларини синаб кўришади. Биринчи турда 20та тест жавобларини белгиласа, 2, 3-турда улар 10тадан иборат, 4-босқичда ҳам амалий, ҳам назарий саволларга жавоб ёзадилар.

Дарвоқе, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Механизмлар назарияси ва машина деталлари» кафедрасида талаба-ёшлар иштирокида технологик машиналарнинг ишчи органларини ҳисоблашни такомиллаштириш, пахтани сақлаш жараёнида унинг термодинамик ҳолатини автоматик назорат қилиш методини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш каби мавзуларда бир қатор амалий лойиҳалар устида илмий тадқиқот ишлари олиб бориляпти. Олимпиада иштирокчилари у ерда бўлиб, жаҳон ёш билан ҳам танишишди.

— Олимпиада давомида кўплаб иқтидорли тенгдошларим билан яқиндан танишдим, — дея сўз бошлади Самарқанд давлат университети талабаси Исмоил Саидмуродов. — Илмий лойиҳалар ҳақидаги гояларимизни ўртага ташлаб, бир-биримиз билан фикр алмашдик. Механика фанига оид билимларимиз жараёнларда тўлдирилди.

Шундай қилиб, «Машина ва механизмлар назарияси» фанидан республика олимпиадасининг голиблари аниқланди. Унга кўра, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси Адҳам Абдуллаев биринчи, Тошкент автомобиль йўллари институти талабаси Жавлон Аҳроров иккинчи, Тошкент ирригация ва мелиорация институти талабаси Альберт Богданов учинчи ўринни эгаллади.

Олимпиада голиблари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг I, II, III даражали дипломи билан тақдирланди.

Ҳ.РАЖАБОВА,
"Ma'rifat" мухбири



Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида мамлакатимиз таълим тизимида ўрта махсус, касб-хунар таълими шакллантирилиб, таълим-тарбияда узвийлик таъминланди. Мазкур тизимнинг улкан моддий-техник базасига асос элинди. Таълим муассасаларининг замон талабига мос жиҳозланиши юртимиз ёшларининг ҳеч қайси бир мамлакат ёшларидан кам бўлмаган баркамол авлод бўлиб камол топшида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланганидек, ёшлар таълим-тарбиясига оид ҳуқуқий-меъёрий базанинг такомиллаштирилиши ва касбга йўналтиришнинг янги технологиялари ишлаб чиқилишига асос бўлмоқда.

инсон бўлиб тарбия топишига ана шу даврда асос солинади. Уч йиллик ўқув жараёнида ўқувчи ўзлаштирган билимларини танлаган мутахассислиги бўйича меҳнат фаолиятини бошлашга қадар, амалиётда синаб кўриш, мустаҳкамлаш, корхона ва ташкилотнинг муҳити билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

Уларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантириш мақсадида касб-хунар коллежларида кичик (мини) цехлар, ўқув-тажриба майдончалари, кичик корхоналар ва ўқув-лабораториялари ташкил этилганлиги ва бунда асосан ўқувчи-ёшларнинг меҳнат кўникмалари шакллантирилаётганлиги юқоридаги фикрларимиз далилидир.

Milliy dastur — amalda

ишларини ташкил этиши керак, деган фикрлар нотўғри, албатта. Бундай хато ва камчиликларга йўл қўймаслик учун Низомда кўрсатилганидек, тегишли тартибда ташкилот ва корхоналар билан шартнома бандлари белгилаб олиниши, унинг шаҳар ва туман

АМАЛИЁТ — ТАЪЛИМНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Бугунги кунда республика-мизда 1508та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида бир миллион тўрт юз мингдан ортиқ ўқувчи 217та мутахассислик ва 500дан ортиқ касблар бўйича таълим-тарбия олмақда. Ушбу муассасаларда бозор иқтисодиётига мослаша оладиган — иқтисодиёт, қурилиш ва транспорт, маиший хизмат ва сервис, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган, икки ва ундан ортиқ тилни, касбни мукамал ўрганган кичик мутахассислар тайёрланмоқда.

Ҳозир тизимда ўрта махсус, касб-хунар таълими сифатини таъминлашга қаратилган 80га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат амалиётга жорий қилинганлиги ушбу тизимнинг бозор иқтисодиёти шароитларида барқарор ривожланиб бораётганидан далолат беради. Унинг самарали фаолият кўрсатиши учун 20дан ортиқ ҳукумат қарорлари ва фармойишлари қабул қилинганлиги эса, давлат томонидан таълимга юксак эътибор қаратилаётганлиги мисол бўла олади.

Айни пайтда таснифлагичга киритилган 242та мутахассисликдан меҳнат бозори талаблари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг кадрларга бўлган эҳтиёжларига асосан 217 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг тармоқ таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига жорий этилди.

«Баркамол авлод йили»да ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг тайёрлов йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар таснифлагичнинг меҳнат бозори талабларига мослиги танқидий жиҳатдан таҳлил қилиниб, иш берувчиларнинг тақлифлари асосида янги таснифлагич ва шу асосда тармоқ таълим стандартлари, ўқув-услубий мажмуалар такомиллаштирилмоқда.

Мақсад — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўйбга чиқаришнинг асосий мақсад ва вазибаларидан бири бўлган битирувчиларнинг касбий тайёргарлик сифатини ошириш, уларни иқтисодиётнинг реал тармоқларида иш билан таъминлашдан иборат.

Битирувчилар меҳнатидан самарали фойдаланиш борасида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор дастурлар, чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бераёпти. Жумладан, ҳар йили касб-хунар таълими муассасаларини ўртача 350 мингдан зиёд ёшлар битириб, уларнинг 80 фоиздан ортиқроғи ўз соҳаси бўйича меҳнат фаолиятини олиб бормоқда, айрим битирувчилар тадбиркорлик асосларини мукамал ўзлаштириб, аҳолига сервис хизматларини курсатиш соҳасининг ривожланишига ҳисса қўймоқда.

Касб-хунар таълими муассасаларида давр талабидан келиб чиққан ҳолда илғор янги педагогик технологиялар ишлаб чиқилиб, маҳорат билан ўтилаётган назарий дарслар амалиёт билан мустаҳкамлаштириш касб-хунар таълимнинг муҳим bosqichi ҳисобланади. Бу эса ўқувчи онгида меҳнат тарбиясини шакллантириб, инновацион гоёлар тугилишига асос бўлаёпти.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида тарбия муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўқувчи айна ўсмирлик даврида ушбу таълимга кириб келади. Унинг ҳаётга ҳам ижтимоий, ҳам психологик мослашуви қийин кечмаслигини ҳисобга олган ҳолда тарбиявий ишлар кучайтирилиши лозим. Шу билан бир қаторда амалиёт тарбияси, меҳнат тарбияси ўқувчига биринчи босқичданок синдирилиб борилиши муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчининг ўз қизиқишлари асосида, комил



касб-хунар таълими тизимида ўқувчининг амалиёт давридаги меҳнат фаолиятини ташкил қилиш, кузатиб бориш ва рағбатлантириш бўйича услубий механизмнинг такомиллаштирилмаганлиги, бунга корхона ва ташкилот мутасаддилари томонидан етарлича эътибор берилмаган. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 2009 йили «Касб-хунар коллежлари ўқувчилари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тартиби тўғрисида»ги Низом ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун бу борада аниқ дастур ҳисобланади.

Амалиёт тизимини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган мазкур Низом, айтиш жоизки, кўпгина ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритишга ва жараёни тизимли олиб боришга ижобий таъсир этмоқда. Хусусан, назарий таълимни амалиёт билан боғлаш давр талаби эканлиги яна бир бор тасдиқланмоқда. Мамлакат иқтисодиёти реал секторининг кадрларга бўлган эҳтиёж талабларига мос кичик мутахассислар тайёрлаб бориш ҳамда меҳнат фаолиятигача бўлган даврда

Ўқувчиларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини янада кенгайтириш мақсадида бир қатор хорижий давлатларнинг таълим ва ишлаб чиқариш грантларидан ҳам самарали фойдаланилаётганлиги ёшларимизнинг янги технологияларни ўзлаштиришига замин яратмоқда. Айниқса, «Баркамол авлод йили»да бундай ишларни кенгайтириш ёшларга касб ўргатишда муҳим аҳамиятга эгадир. Дастур доирасида 150та касб-хунар коллежи Корея ҳукуматининг кредити асосида, 30та коллеж эса Германия ҳукумати кредитининг қурилиш ва коммунал хизмат лойиҳалари асосида жиҳозланиши ёшларни касбга йўналтириш устувор йўналишлардан бирига айланганини яна бир бор тасдиқлайди.

Бу эса ўқувчининг коллежни битириб ишга жойлашишда дуч келадиган муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради. Хусусан, ўқувчининг эгаллаётган мутахассислиги бўйича қайси корхонада меҳнат қилиши босқичма-босқич аниқланиб борилади.

Шу ўринда фақат таълим муассасасининг ўзи амалиёт

хокимликларидаги Мувофиқлаштирувчи Кенгашларда атрофлича муҳомадан ўтказилиши жуда муҳим.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, ўқувчиларнинг касб-хунарни мукамал эгаллашига ҳамда келажакда доимий иш билан банд бўлишига, тадбиркор ва ишбилармонларнинг иш берувчи сифатидаги масъулиятини оширишга доир мавжуд ҳуқуқий мезонларни янада такомиллаштириш, қонунчилик билан мустаҳкамлаб бориш зарурлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Бинобарин, ишлаб чиқариш амалиёти, Низомга кўра, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг ихтисослашувига боғлиқ ҳолда ушбу мақсад учун махсус ажратилган, ўқувчилар ишни тугатгандан кейин ишга жойлашиши мумкин бўлган ўқув-ишлаб чиқариш жойларида ўтказилади. Шу маънода, қурилиши режалаштирилаётган янги корхоналарнинг лойиҳаларига, тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларига ушбу масалаларни киритиш ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти даврида ўқувчи-ёшларнинг меҳнатини рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътиборни қаратиш мақсада мувофиқ.

Мухтасар қилганда, мамлакатимизда таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини кучайтириш, таълим олувчиларнинг етук мутахассислар бўлиб шаклланишига пухта замин яратиш жамиятимизни демократлаштириш ва ёшларни буюк келажак сари етаклашнинг омилidir.

Шухрат ТУРСУНБОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Фан, таълим, маданият
ва спорт масалалари
қўмитаси аъзоси

ҲАЁТГА ТАЙЁРЛОВ ВАҚТИ

Турли мафқуравий тортишувлар кеча ёки бугун пайдо бўлмаган. Маънавий хуружларга қарши курашиш учун доим тайёр туриш керак. Айниқса, ўсиб келаётган келажак авлодга тўғри йўлни кўрсатиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Хўш, айнан шу мақсадда таҳсил олаётган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг тарих факультети «Миллий истиқлол гоёси ва ҳуқуқ асослари» йўналиши битирувчи талабалари ўз мутахассислигини қандай эгалламоқда? Улар амалиёт жараёнида миллий гоёни ўқувчилар онгига етказишда қандай педагогик усуллардан фойдаланишяпти? Ана шундай саволларга жавоб топиш мақсадида амалиётчи-талабаларнинг ўй-фикрлари билан қизиқдик.

«Миллий истиқлол гоёси, маънавият ва ҳуқуқ асослари» йўналиши, «Давлат ҳуқуқ асослари» кафедраси мудараси Омина Каримованинг изоҳ беришича, факультетни бу йил 155 нафар талаба — 80 нафари ҳуқуқшунослик асослари, 75 нафари мил-

лий гоё ва тарих йўналиши бўйича тамомлайди. Талабалар 10 ҳафталик амалиётнинг биринчи кунини факультетда дарс кузатувидан бошлаган бўлишса, кейинги босқичларни пойтахтдаги ҳар бир гуруҳга бириктирилган академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида ўташмоқда.

Сайфиддин НУРМАТОВ, ТДПУ «Миллий истиқлол гоёси, маънавият ва ҳуқуқ асослари» таълим йўналиши 4-босқич талабаси:

— Мен Яккасарой енгил sanoat коллежида дарс бераётган тажрибали устозларнинг дарсини кузатдим. Уларнинг беминнат маслаҳатлари менинг ўқувчилар билан сидқидилдан ишлашимга туртки бўлди. Ҳар биримизга гуруҳ беришди. Биз уларга маълум муддат раҳбарлик қилдик. Гуруҳ раҳбарларидан ишлашни

ўргандик. Дарсдан кейин тарбияси оғир, дарсга кам қатнайдиган ўқувчилар билан шуғулланамиз.

Дарвоқе, университетнинг яна бир талабаси Элбек Бердиев ҳам Яккасарой енгил sanoat коллежида амалиёт ўтамоқда. Буни қарангки, оз фурсат ичида у нафақат коллеж ўқувчиларининг билимдон ўқитувчиси, балки уларнинг сирдошига ҳам айлиниб улгурибди.

Коллеж фойесидан ўтиб кетаётиб, рўпарамиздаги хонадан кўшиқ овози эшитилди.

— Янги келган талаба йигит Элбек Бердиев ўқувчиларни коллежда бўладиган байрамга тайёрлаётди, — дейди коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Олим Мелибоев. — Элбек иқтидорли талабалардан экан. Унинг ташаббускорлигини кўриб, 1-босқич бухгалтерия ҳисоби йўналиши гуруҳи раҳбарлигини топширдик. Бўш вақти қолди дегунча гуруҳи билан янги-янги тад-

бир режаларини ўйлаб чиқади. Гоҳида ёнимга келиб: домла, келинг шу дарсингизни ҳам кузатсам, — дейди. Уни коллежда олиб қолиш ниятимиз бор.

Амалиётчи-талабалар фан дарсларини ўтиш билан бирга дарсдан ташқари ташкилий ишларда ҳам фаол. Жумладан, коллеж ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Ватан ягонадир, Ватан биттадир!», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳеч қачон!», «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» шиори остидаги кўплаб тадбирларда талабаларнинг ташаббускорлиги яққол кўзга ташланмоқда. Бундан ташқари, талабалар амалиёт якунида амалий жараён акс эттирилган фотолардан иборат деворий газета ҳам ташкил қилинган.

Бугунги талаба эртага етук мутахассис. Демак, айни пайтда аудиторияда-ю амалиёт майдонида эгалланаётган билим ва тажриба уларнинг келгуси фаолиятларида асқотиши, шухрат олибкелиши шубҳасиз.

Хулқар ФАРМОН қизи,
«Ma'rifat» мухбири

ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК ЧОПРАХАСИ

ёшлар қалбида туташади

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тараққиётимизни таъминлаш мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёшларнинг соғломлиги, интеллектуал салоҳияти, билим даражасигагина эмас, уларнинг маънавий етуклиги, ватанпарварлик ва дахлдорлик туйғусини қай даражада ҳис этишларига ҳам боғлиқдир. Бундай эзгу туйғулар бола қалбида илк бор оилада, маҳаллада, билим даргоҳларида куртак очиб, юртимизнинг турли масканларида камол топади. Шу маънода шонли тарихимиз кўзгуси, асрлар оша яшаётган миллий қадриятларимиз ва анъаналари-

мизнинг жонли ифодасини акс эттирган МУЗЕЙларнинг ёшларимиз онгида Ватанга муҳаббат, аждодларимизнинг маънавий ва моддий меросига ҳурмат ҳиссини шакллантиришда аҳамияти беқиёсдир.

Хукуматимиз томонидан “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида шу каби жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда “Аҳолининг кенг доирасини, энг аввало, болалар ва ўсмирларнинг маданий-тарихий меросдан фойдаланиш ва улар билан танишиш имкониятини кенгайтириш, шу жумладан: унга мувофиқ давлат музейларига кириш 18 ёшгача бўлган болалар учун берил бўлган тартибни жорий этиш...” вазифа-

си белгиланган эди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги қонунини рўйбга чиқариш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 68-сонли қарори билан “Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш тартиби ва шартлари тўғрисида Низом” тасдиқланди.

Унга кўра, ёшларнинг маданий-тарихий меросдан фойдаланишларини қулайлаштириш ва улар билан танишиш имкониятини кенгайтириш мақсадида 18 ёшга

ча бўлган болалар учун давлат музейларида турган Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини бир ойда бир марта бепул кириб кўриш имконияти яратилди.

Қабул қилинган ушбу Низом музейларнинг ҳаётимиздаги маданий-маърифий мавқеини ошириб, хусусан, ўқувчиларнинг музей тематикасига мос ўқув фанларига оид амалий машғулотларни қизиқарли ташкил этиш, маззауларга доир назарий билимларни мустаҳкамлашида катта роль ўйнаши мубоҳасис.

1982 йил, қуз фасли охирлари эди. Ўзбекистон давлат санъат музейининг бош таъмир устаси Абдулла Йўлдошев Низомий номидаги педагогика институти бадиий графика факультети раҳбарлигида профессор, мусаввир Абдулла Набиевдан мактуб олди. Ўқиб кўрса: «Абдулла, санъаткорлар сулоласидан бир йигитни юбораялман. Қобилиятли, биринчи курс талабаси. Шу йигитни шоғирликка ол», дебди. Унинг исми кўрсатилмаганди.

Абдулла ака устaxonасида хаёл суриб ўтирганида эшик тақиллаб очилди. Рухсат сўраб, оқ-сарик, ўртабўй, кўри-нишидан шўхгина, кўзлари юлдуздек чакнаб турган, ёқимли, нимтабассум билан истараси иссиқ йигит кириб келди. Кўл бериб сўрашиб: «Кенирасиз, домла юбордилар. Музейда ишлаб кўр, дедилар», деганича жавоб қутиб, термулиб турарди. «Яши» — деди Абдулла ака,

Санъаткор оиласидан эмасми, рассомликка қизиқиб қолган бўлса-да, Мирфайзи бошқа санъат турлари ҳақида ҳам кўп нарсаларни билар, театр, рассомликдан сўз кетса, усталардан теъза идиб, гапириб, тушунтириб қўйишга тан берардим. Абдулла Йўлдошев шунақа кўнгли очик, илмли, билимлиларни ёқтирарди. Шу боис уларнинг гаплари бир-бирига қовушиб, теъза ҳам уста-шоғирд, ҳам яшигина уфатга айландилар.

Бора-бора Абдулла Йўлдошев унга тобора ишонганидан таъмирлаш сирларини ўргата бошлади. Иш учун нималар кераклигини айтиб, ўз тажрибаларидан сабоқ берар, Мирфайзи бир гапни икки қилмай, бажариб юрарди. Абдулла ака ишни музей ишларидан бошлаб, заллар бўйлаб бирга саёхат қилишар, қай асар соғ, қай асар носоғ, кузатишарди. Рассом асарлари: портрет,

бошқа мўйқалам соҳиблари хотира-юбилейларида шикастланган рангта-сирларни тузатилиб, кўргазмаларга қўйилди. Ўзбек, рус, Фарбий Оврүпо тасвирий санъати намуналарига гўзаллик киритилди.

Утган йили 26 октябрдан 6 ноябрга-ча Санъат музейининг таъмирлаш хонасида биринчи марта Ўзбекистон Бадиий академияси, Санъат музейи ва Ўзбекистондаги Франция элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Мастер класс» Мирфайзи Усмонов учун ҳам синов, ҳам қувончли воқеа бўлди.

Унда машҳур француз реставраторлари Жеральдино Фрей, Сессилия Бренгбелар Санъат музейи бош реставратори Мирфайзи Усмонов, Ўзбекистон Бадиий академияси реставраторлари Баҳодир Мадаминов, Станислав Хошимов, Амир Аҳмадхўжаев билан ҳамкорликда Санъат музейи захирасида сақ-

МУЗЕЙЛАР — МОЗИЙДАН СЎЗЛАР

Ҳомийпарга таяниб

Сирдарё туманидаги 8-умумтаълим мактабида ўқитиш ўзбек, қозоқ ва рус тилларида олиб борилади. Байналмилал ҳисобланган ушбу билим даргоҳига олти йилдан буён фидойи педагог Марҳабо Йўлдошева раҳбарлик қилаёпти. Унинг ташаббуси билан мактабда ўтган йили Хотира музейи ташкил этилди.

Яқинда туманнинг энг чекка «Шоғирлик» маҳалласида жойлашган ушбу ўқув масканида бўлди. Директор аввал педагогик жамоасининг ёш авлод-ни ўқитиш ва тарбиялаш борасидаги муваффақиятлари ҳақида сўзлаб берди. Сўнгра бизни музейга бошлади. Кенг ва шинам хонага кираверишда ўнг томондаги деворда мактабнинг ташкилотчиси ва директори марҳум Амирбой Боймешев ҳаётиндан лавҳага кўзимиз тушди. Унда жонқур ва талабчан илк раҳбарнинг фаолияти давомидаги қўлланма китоблари ва қайд-вафотлари ҳам бор. Сўнгра билим даргоҳининг ўтган XX аср охирларидаги энг фаол ўқувчиси, марҳум Солибай Айтўраевнинг педагогик фаолияти давридаги ўзи тайёрлаган кўргазмали ўқув қуролларини кўриш мумкин.

Хотира музейини ташкиллаштиришда маҳалла фаоллари — ота-оналардан Тўрабой Раҳматов, Бексултон Боймешев, Исроил Яшиббоев, Марҳум Айтўраева жонбозлик кўрсатдилар.

Ҳасорати мангу

Туманнинг яна бир чеккароқ «Сирдарё» маҳалласидаги кўркам бинода жойлашган 2-умумтаълим мактаби педагоглари собиқ ўқувчилари, марҳум Эломон Отажонов билан ҳақли равишда фахрланадилар. Эломон мустақилликнинг илк йилларида мамлакатимиз сарҳадларида ҳарбий хизматда бўлган. Фанимларга қарши кураш чоғида мардларча ҳалок бўлган эди.

Мактабни турли йилларда аъло баҳо ва намунали ҳулқ билан битириб, ҳозир муфаззли вазифаларда фаолият юрифтагани собиқ ўқувчилар ҳомийлигида жасур мактабдошнинг Хотира музейи ташкил этилди. Хона мард ўғлоннинг нуқтиласи ҳасоратини ҳикоя қилувчи фотолар билан

жиҳозланган. Бу ерга, шунингдек, кейинги йиллар мобайнида Эломон ҳақида газета-журналларда ёритилган мақолалар ва китоблар ҳам қўйилган. Мозийдан сўзловчи бу жой ҳозирда мактаб ўқувчилари учун турли бадиий-маънавий тадбирлар ўтказиладиган даргоҳга айлантирилган. Мактаб директори Анар Хўжақуллова сўзга қолганда музейни келгусида янада намунали жиҳозлаш ва бу ерда Эломон Отажонов хотира соврини учун ҳар йили шахмат ва шашка бўйича мусобақа уюштириш режалаштирилганини таъкидлади.

Тарихчи муаллим ташаббуси

13-умумтаълим мактаби ҳам тумандаги намунали таълим-тарбия масканларидан. Ушбу мактабга ҳозирда шижоатли педагог Зулхумор Холиқова раҳбарлик қилаётир.

Эътиборли томони, илм масканида илк музей туманда, ҳатто вилоятда энг биринчи, яъни бундан йигирма икки йил илгари ташкил қилинган эди. Ушбу ўзига хос ўлкашунослик музейига мактабнинг олий тоифали тарих ўқувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Набижон Азизов асос солган. Ёши олтимиши қоралаётган бу меҳнат фариши мактаб жойлашган Ҳамза маҳалласи тарихчи дарак берувчи иккинчи музейни ҳам ташкил этган. Демак, қишлоқнинг энг кўркам икки қаватли муҳташам биносида ҳам мактаб, ҳам икки тарихий музей жойлашган.

Шу ерда бироз лирик чекиниши қиламиз. Ҳамза маҳалласида яшовчиларнинг деярли барчаси Жиззах вилояти Зомин туманидаги бешқишлоқ (бешбулоқ)ликларнинг ҳозирги вақиларни ҳисобланади. Утган XX асрда уларнинг ота-боболари галма-гал бу жойга чўлни ўзлаштириш мақсадида кўчиб келган. Мактабнинг иккала музей эксконатлари ҳам асосан зоминликлар бундан қариб юз йил илгари ишлатган ва фойдаланган уй-рўзгор буюмларини ташкил этяпти.

Ташаббускор тарихчи муаллим Н.А. Азизов маҳалладошлари, қолаверса, ҳамкасблари, ўқувчилари кўмағида икки музейни бирлаштириш ва ундаги эксконатларни янада бойитмоқликни ният қилган.

Қаҳрамон ҲОЖИЕВ

Қадимий анъаналаримизга кўра, қизлар — бўлажак келин-чаклар кашта гули тушириб тикиладиган буюмларини ўзлари тикиб, сепларини тўдиришлари лозим бўлган. Бу нақшлар қанчалик позик ва чиройли бўлса, соҳибалари — қизлар меҳрибон ва гўзал, дея таърифланар экан. Қизлар 7-8 ёшдан кашта тикишга ўргатиладиган. Бу эса хўнар эгаллаш билан бирга, уларда эстетик дидни шакллантирган. Қаштачилик — ривожланиб бораётган соҳалардан бири. Роза Отамуродова ҳам унинг ривожланишига етти йилдан бери озми-кўпми, ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилиб келади. Ёш бўлса-да, кўргазмаларда соғирлик ўринларга муносиб топилган. «Яши шоғирд эришиш йўлида кўп савобли ишларга қўл урган. У ўз хўнари ҳақида меҳр билан сўзлайди:

«КУЛИБ ТУРГАН» КАШТАНИНГ СИРИ

Ёшлигимдан тикувчиликка қизиққанман, ўзимча қандайдир фасонлар яратардим. Бир кун келиб кашта тикишга шунчалик қизиқиб қоламан, деб ўйламаганман. Цехимизнинг юқори қаватида каштачилар ишлар экан. Тасодифан устозим Марҳабо опанинг каштаси қўлимга тушиб қолган. Ушанда каштага узоқ тикилиб, бу шунчаки ип толаларидан яратилган нақшлар эмаслигини ҳис қилганман. Кейинчалик ўрганаётганимда ҳам ҳар бир нақшнинг ўз номи, маъноси ва тикиш усуллари борлигини билиб олдим. Каштанинг 106 хилини биларман. Айниқса, каштанинг тўяб-тоб, итабоб, қарғазини турларни яхши ривожлантирилмоқда. Гуллардан нуска олинган қизил, сариқ, яшил ранглар кўп қўлланилади. Ҳар сафар кашта тика бошлаганимда юрагимда ифтихор туйғуси уйғониб, миллий меросимиз — каштачилик соҳасини

танлаганимдан гурурланиб кетаман. Каштани тикиб, охирига етказиш учун инсондан сабр-чидам талаб этилади. Ҳар бир чокига меҳримни бериб тикаман. Эътибор билан разм солсангиз, каштада инсон туйғулари — меҳр-муҳаббат, қувонч ва изтироб намоён бўлишини кўрасиз. Шунданми, каштани қувноқ кайфиятда tiksam, битгач, «кулиб турган» кашта пайдо бўлади.

ХУШ НИЯТЛИ КАМОЛА

Бугунги давр ёшлардан куч-ғайрат ва ишбилармонлики талаб қилмоқда. Шу сабаб, улар илм олиш билан биргаликда, шу юрт манфаати ва келажагини кўзлаб, олга интилишмоқда. Сўзимизнинг исботини суҳбатдошимиз Камола Исмоилованинг мулоҳазалари ҳамда яқин йилларда амалга оширишни мўлжаллаган бизнес лойиҳаси мисолида кўриш мумкин. Аввало, қаҳрамонимиз ҳақида икки обиз сўз.

Камола Исмоилова 1988 йили Бўстонлик туманининг Бурчмулла қишлоғида зейли оиласида таваллуд топган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини халқаро журналистика факультетининг 3-курс талабаси. Мактабда ўқиб юрган кезлари «Ибони қиз» кўрик-танловида қатнашиб, туманда биринчи ўринни қўлга киритган Камола 2008 йили «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган «Қамолот» таълим гранти кўрик-танловининг республика босқичида ҳам ғолибликини қўлга киритди. «Ёшлар йили» унинг учун самарали бўлди. У мазкур йилда «Келажақ овози» республика кўрик-танловининг «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа» номинациясида «Ўлка сарчасмалари» экологик ва этнографик туризм хизматини ташкил этиш» борасидаги лойиҳаси билан қатнашиб, яна бир муваффақиятга эришди. Камоланинг мазкур лойиҳаси ҳақида ҳурматли муштарийларимизга маълумот бериб ўтишни лозим топдик.

— Камолалар, айна шу лойиҳага қўл уришингизга нима тўртки бўлди? — Болалигимнинг энг беғубор дамлари ўтган Бурчмулла қишлоғининг гўзаллиги мени ҳамيشа ҳайратга солиб келган. Оруларимдан бири ҳам ўз қишлоғимнинг доврғини дунёга таратишдир. Сир эмас, XXI асрда энг тез ривожланаётган, катта даромад келтираётган соҳалардан бири, бу — туризмдир. Шунингдек, қўлгина ривожланган мамлакатларнинг асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади.

қизиқиши юқори. Биз миллий урф-одатларимизга хоржиқлар кўпроқ қизиқиб, деб ўйлаймиз. Бунинг инкор этмайман, аммо юрдошларимиз меҳнатимизни жуда қадрлашади, бизга бошқача меҳр билан қарашади. Кўргазмаларда улардан илиқ гапларни эшита-миз. Баъзан қизлар ижод маҳсулимизга қизиқиб, ҳайратланиб, чокларини қайта-қайта силаб кўришади. Уни ҳар бир ўзбек қизи тика олишига ишонман. Фақат кунт бўлса, кифоя.

ФАХР

Фахрланиш инсонни янада ях-



широқ меҳнат қилишга ундайди. Бир кунда ўртача икки-учта кашта гулини яратиш мумкин. Бунинг учун китобларга мурожаат қилиб, тикишининг мукамал усулларини, сирларини ўрганишга интиламан. «Ташаббус», «Мустақиллик нафасида камол топган хўнармандлар», «Bazar Art» каби кўргазма-

бор — хор бўлмас» мақоли бугунги кунда ҳам ўз тасдиғини топаяпти. Қаштаимизнинг алоҳида ажралиб турадиган хусусиятларини хорижда ҳам дарров сезишларини, «Бу — ўзбек каштаси», дея таниб олишларини истардим. Айташадик-ку, тоғча сўрасанг, қирча беради, деб...

Гулрух МЕНГИЕВА

АСАРЛАРНИ АСРЛАР ОША ОЛИБ ЎТАЁТГАН УСТА


бошқа бир сўз демай раҳбар хонасига бошлади.

Музей директори Самиг Абдуллаев: «Бу болани таништирсангиз ҳам, билан. У пойтахтимиздаги машҳур миллий мусика асбоблари ясовчи уста Усмонов Зуфаровнинг невараси-ку. Раҳматлик буvasи ҳақида қанча кўп гапирсам, шунча оз. «Чарчи» маҳалласида яшардилар, ҳамсухбатлари эдим. У кишининг портретини яратиб, «Уста Усмонов Зуфаров устaxonасида», 1958 йил) диплом иши ёқлаганман. Бу йигитнинг падари буркувори Мирсоат Усмонов таникли артист, кўп йиллар давомида ёшлар театрида ишлаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист эди, дея билганларини жўшиб-жўшиб гапириб, мамнун кулиб қўйди-да, мақсадга қўчди. «Абдулла, Мирфайзи сизнинг ишончли шоғирдингиз бўлиб қолишига ишонманман. Музейга безакчи рассом ҳам керак. Ишни рассомликдан бошлайсан, кўпми?», деб Мирфайзи Усмоновнинг елқиниси аста силаб, ёш боладак эркалатиб қоқиб қўйди.

Мирфайзи шу кундан ишга киришиб кетди. Санъат қошонасига фазиз кирди. У музей залларини айланиб чиқар, тартибга риоя қилар, безак ишлари бўлса, бажарар эди. Ёшлар, реклама, афишалар чиқарарди. Бўш қолди дегунча устози Абдулла ака Йўлдошев устaxonасига шошиларди.

Абдулла ака ёш шоғирдини синарди. Дастлаб нисбатан майда ишларини буюриб турди. Баъзан чой дамлатди. Қутилмаган гап бир пиёла чой устида келарди. Қўпична уста ва шоғирд гурунглашиб ўтиришганини кўриб, гурунгда мен ҳам қўшилиб кетган кунлар бўлган.

картина, натюрморт, манзара(пейзаж)ларда ишлатилган мойбўёқлар, уларнинг сифати қизиқтирарди. Қай бир ранг яхши сақланган, қай бир ранг хона шароитига тўғри келмай, сифати бузилганлиги хусусида суҳбатлашишарди. Хуллас,



амалда тасвир усталари ишлари чигирдан ўтарди.

Мирфайзи таъмир санъатиға ихлос қўйиб қолди. Таъмир санъати сирларини устозидан батамом ўрганиб, ишончли шоғирдлари — Муҳиддин Розанов, Лариса Жуквоска, Ҳаким Ортиқовлар сафига қўшилди.

Устоз билан биргаликда кўп асарлар таъмирланди. Уларнинг саногига етиб бўлмайди. Масалан, машҳур рассомлар Баҳром Ҳамдаий, Михаил Курзин, Урол Тансиқбоев, Александр Волков ва

ланаётган тўрт асар — Клейвер, Эпрат, Врубел, Земмер иходларидан таъмирталаб картиналарини таъмирлашди.

Таъмирлаш ҳозирги замон техникаси услубида ўта тезлик билан ниҳоясига етказилди. Ваҳоланки, булар эски

услуб, техникада бир неча кун, бир неча ой, бир неча йиллаб давом этган бўларди.

Музейнинг рус рассомлари бўлимида илгариларни кўп марта намоишга қўйилган ихчам манзара-картина — Клейвернинг «Урмон» деб номланган асарини ўзбек устаси Мирфайзи Усмоновнинг бир ўзи таъмирдан чиқарганида эса француз усталари унинг маҳоратига қойил қолишди.

Маҳмуд АХМЕДОВ, санъатшунос

Qadriyat

ларда фаол қатнашишга ҳаракат қиламан. Чунки бутун дунёда кашталаримизга қизиқадиганлар кўпчилигига Истанбул, Олмаота сингари шаҳарларда бўлиб ўтган халқаро кўргазмалар пайтида гувоҳ бўлганман.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Кўпроқ аёлларни шу соҳага жалб этиш ниятим бор. Асосан, қизларнинг хўнар ўрганишига қизиқишлари баланд. «Хўнари

Назира БОЙМУРОДОВА



КЎЗИ ЙЎҚ БАЛИҚ ва бошқалар ҳақида

Тинч океанининг шимолида мекстина деб аталувчи балиқча яшайди. Агарда унга бирор хавф туғилса, шунчалик кўп суюқлик чиқарадики, унинг атрофидаги сув лиқилдоққа ўхшаб қолади ва ҳеч қандай йиртқич балиқнинг олдига яқинлаша олмайди. Бу балиқнинг кўзи йўқ. Ammo шундай бўлса-да, хавфни тезда илғаб олади. Ушбу ғаройиб балиқнинг "қобилияти" нимада эканлигига қизиқиб қолдингизми? Ундай бўлса "Maktabda biologiya" журнаlining 4-сонини мутулаа қилинг!

Шунингдек, "Bir soatlik dars" рукнида биология фани чуқурлаштириб ўқитиладиган 5-синфлар учун ботаникадан "Хавонинг ифлосланишига чидамли ўсимликлар. Кўкаламзорлаштириш" мавзусидаги очик дарс ишланмаси билан танишасиз.

Инсон ҳаётининг асосий мазмунидан бири унинг саломатлиги ҳисобланади. "Соғлом ҳаёт тарзи, соғлиқнинг қисқача таърифи ва уни ташкил этувчи омиллар" билан журналимизнинг "Науот дarsi" сизга маълумот беради. "Tinib-tinchimas odamlar" рукнида "Умрни узайтириш сирлари"дан воқиф бўласиз. Шу вақтгача одамзод ўзининг узоқ яшаш орзуси йўлида турли омилларни ўйлаб топди. Швейцариялик шифокор Парацельс "Боқийлик тоши" деб ном олган узоқ умр кўриш сирини кашф этди. Инсонга тахминан 600 йил яшаш имконини бераётган кашфиётнинг умри эса 48 ёшида тугади. Демакки, кўп йил яшаш бирор буюмгагина боғлиқ эмас экан. Инсониятни ўйлан-тириб келаётган муаммо ечимини ҳам ушбу сонимизда билиб олишингиз мумкин.

Бундан ташқари, синаб кўришга 8-синфлар учун билимдонлар ринги берилган. Истеъмолдаги маҳсулотларимиз ҳақида кўшимча маълумотлар билан эса "Углеводларнинг табиий манбалари" материалида танишасиз. Қудратли табиат мўъжизасидан бири партогенез мавзуси организмларнинг кўпайиш турларини сизга маълум қилади.

Ҳадемай ўқувчилар таътилга чиқадилар. "Maktabdan tashqari ta'lim" рукнидаги "Maktabdan ташқари таълим муассасаларида экологияга оид тадбирларни ташкил этиш" бўйича тавсиялар тўғрисида раҳбарларига қўл келишига ишонамиз. Ҳуллас, нашримизнинг ушбу сониде сизни ҳеч ерда кузатилмайдиган қизиқарли маълумотлар, ўқитувчига кўмак берадиган мақолалар кутмоқда. Уни ўқишга шошилинг!

Мухлиса МҰМИНОВА

«Maktabda kimyo» журнали нафақат ўқитувчилар, балки ўқувчилар учун ҳам керакли ва қизиқарли журналдир. Унинг ҳар бир сонини кузатар эканман, биз ўқувчилар учун қизиқарли бўлган, дунёқарашимизни кенгайтиришга хизмат қиладиган кимё фанига оид янгиликлардан бохабар бўлиб бормоқдаман. Журналнинг мухлиси сифатида азиз ўқитувчиларимиз ва ёшларимизга «Maktabda kimyo»ни мунтазам ўқиб боришларини тавсия этган бўлар эдим.

ДОИМО БИЗ БИЛАН БИРГА

Кўлимда журналнинг нашрдан чиққан 4-сонини. Ушбу сонда азиз муштарийлар диққатига янги "Интеллектуал клуб" рукни остида мактабда турли анъанавий тадбирлардан ташқари «Кимё фани билағони» танловини ўтказишда фойдаланиш мумкин бўлган саволлар ва уларнинг жавоблари берилган. "Дарсдан ташқари машғулот" рукни остида эса "Кимё кечаси"ни қай тарзда ташкил этиш ва ўтказишдан, "Ҳаёт ва кимё" рукнида сайёрамизда кенг тарқалган литийни ишлаб чиқаришда, рўзгорда, тиббиётда қай тарзда ишлатиш мумкинлигидан хабардор бўласиз. Албатта, кўпчилик "Улик денгиз" ҳақида эшитган. Ammo у нега шу ном билан аталади, денгиз сувининг кимёвий таркиби қандай? Бу ҳақида сиз "Экокимё" рукни остида берилган мақолани ўқиб билиб олишингиз мумкин. Янги кунимиз доимо бизга инсон фао-

лияти натижасида қандайдир янгилик олиб келади. Бу сафар журнал саҳифаларидан ўрин олган янгиликлар ичида сиз сольватирланган электронлар сири ҳақида маълумот олиб, шойи мустаҳкамми ёхуд пўлат, полиэтилен иссиқлик ўтказадими, деган саволларга жавоб топасиз. "Методик ёрдам" рукни остида берилган Тошкент шаҳар ПКҚТМОИ Табиий ва амалий фанлар кафедраси мудири М.Артикованинг "Ўқитувчиларнинг дарсни таҳлил қилиш малакасини шакллантириш" мақоласи азиз устозларимизга педагогик фаолиятларини самарали олиб боришда фойдадан холи бўлмайди. Шунингдек, "Абитуриент—2010" рукни остида мунтазам бериб бориладиган тестлар бу сафар "Органика"га бағишланган бўлиб, олий ўқув юрларига кириш ниятида бўлган тендошларимиз яна бир бор ўз билимларини синаб кўришлари мумкин. Ўқорида санаб ўтилган мақолалар журнал саҳифаларидан жой олганларининг бир қисми, холос. Ҳаёт билан ҳамнафас бўлай, ҳаётимизда тўхтовсиз кечаётган кимёвий жараёнлар сиридан бохабар бўлай десангиз, доимо «Maktabda kimyo» журналинини ўқиб боринг.

Диёра АТАХАНОВА, ЎзДЖТУ қошидаги 1-академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси

Jurnallarning yangi sonlarida

УЧ КЎЛ — УЧ ҚИСМАТ

Маълумки, Ўрта Осиё кўллари бой минтақа эмас. Лекин борларининг ҳам гоҳ суви кўпайиб, гоҳида камайиб кетиши халқ хўжалигининг ривожланиши ва муайян ҳудудлар экологик ҳолатининг ёмонлашишига олиб келмоқда. Жумладан, Орол денгизи, Айдаркўл ва Сарез кўллари ўлкадаги уч муаммонинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Қандай муаммолар дейсизми? Бу ҳақда маълумотга эга бўлишни истагангиз «Maktabda география» журнаlining навбатдаги 4-сонини мутулаа қилинг. Агар сиз нашрга ошно бўлсангиз, «Дунё бўйлаб» рукнимиз орқали "Вулканик кўллари мамлақати" сари сафарга чиқмоғингиз мумкин. Неча асрлардан буён олам аҳлини ҳайратга солиб келаётган Буюк Хитой девори хусусидаги

маълумотлар ҳам айнан шу сонимиздан ўрин олган. Дарвоқе, ернинг шарсимон тузилишида экани бугун барчамизга аён. Лекин унинг шундай кўринишида эканини илмий жиҳатдан ўрганиб, далиллаб бериш, албатта, осон кечмаган. Бу ўринда португалиялик сайёҳ Фернан Магелланнинг экспедицияси олиб борган тадқиқотларнинг аҳамияти бениҳоядир. Журнални варақлар бўлсангиз, олимнинг ана шу оламшумул ишлари хусусидаги битиклардан ҳам воқиф бўласиз.

География — сирли бир дунё. Ер шарини аро шундай воқеликлар рўй берадики, табиатнинг бу тилсимлари олдида лол қоласан киши. Баъзан кашф қилинган ороллarning қандай пайдо бўлса, шундайлигича йўқлиб кетиши таажжубингизни ошириши таби-

ий. Биргина мисол, 1957 йилнинг сентябрида Португалияга тегишли бўлган Азор ороллари ёнида сув вулканининг отилиши туфайли янги орол пайдо бўлди, ammo бир ойдан сўнг яна уни сув ювиб кетди. Шунақа гаплар...

Журнал бу сонда ҳам ўз анъаналарини давом эттириб, «Бир соатлик дарс», «Маданий мерос», «Топонимика», «Билимингизни синаб кўринг» сингари рукнларда бир қатор материаллар эълон қилган. Одатдагидек, 32-бетда «Ҳайрат» рукни орқали сиз «Бир соат чироқсиз» яшаб, Она Ер ва унинг табиий бойликларига муҳаббатини издор этган халқлар, сўнгги муқоамизда эса «География оламида янгилик» сифатида чоп этилаётган нашрлар билан танишасиз.

Ойбуви ОЧИЛОВА

2010-2011 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 1-, 2-, 3-, 8- ва 9-синф ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган 8-MRT, 9-MRT, 10-MRT, 11-MRT-рақамли Тендер савдоларида голиб бўлган иштирокчилар рўйхати

Пакет рақами	Қўлланма номи	Таълим тили	Синф	Адади	Ғолиб нашриёт номи
8-MRT					
1	Русский язык	Ўзбек ва қардош	2	452462	"Ўзбекистон" НМИУ
2	Русский язык	Ўзбек ва қардош	3	447859	"Ўзбекистон" НМИУ
3	Русский язык	Ўзбек ва қардош	8	551115	"Шарқ" НМИУ
4	Русский язык	Ўзбек ва қардош	9	579052	"Маънавият" нашриёти
9-MRT					
1	Ўзбек тили	рус ва қардош тиллар учун	3	75485	"Ўзбекистон" НМИУ
		рус	3	1436	
2	Чизмачилик	қорақалпоқ		717	"Ўқитувчи" НМИУ
		Ўзбек	8	520768	
		рус		32940	
		қозоқ		8196	
		тожик		9053	
		киргиз		1089	
		туркман		1013	
қорақалпоқ		10996			
3	Чизмачилик методика	Ўзбек	8	12136	"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН
		рус		948	
		қорақалпоқ		724	
3	Физика	Ўзбек	8	520768	"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН
		рус		32940	
		қозоқ		8196	
		тожик		9053	
		киргиз		1089	
		туркман		1013	
		қорақалпоқ		10996	
5	Физика методика	Ўзбек	8	13708	"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН
		рус		1101	
		қорақалпоқ		725	
5	Инглиз тили "Fly High English"	Ўзбек	8	414619	"Ўқитувчи" НМИУ

6	Чизмачилик	Ўзбек	9	548365	"Ўзбекистон" НМИУ
		рус		30417	
		қозоқ		8533	
		тожик		9327	
		киргиз		1188	
		туркман		955	
7	Чизмачилик методика	қорақалпоқ		10684	Ғ.Ғулом номидаги НМИУ
		Ўзбек	9	12335	
		рус		996	
		қорақалпоқ		728	
		Ўзбек	9	548365	
		рус		30417	
8	Физика	қозоқ		8533	"Шарқ" НМАК
		тожик		9327	
		киргиз		1188	
		туркман		955	
		қорақалпоқ		10684	
		қорақалпоқ		10684	
9	Физика методика	Ўзбек	9	13798	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		рус		1061	
		қорақалпоқ		726	
8	Ўзбекистон тарихи	Ўзбек	9	548365	"Шарқ" НМАК
		рус		30417	
		қозоқ		8533	
		тожик		9327	
		киргиз		1188	
		туркман		955	
9	Ўзбекистон тарихи Методика	қорақалпоқ		10684	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
		Ўзбек	9	13617	
		рус		1107	
9	Инглиз тили "Fly High English"	Барча тиллар учун	9	432781	"Янгийўл полиграф сервис" МЧЖ
10-MRT					
1	Русский язык	рус	8	32940	"Турон-Иқбол" МЧЖ
2	Адабиёт	қорақалпоқ	9	10684	"Турон-Иқбол" МЧЖ
11-MRT					
1	Геометрия	Ўзбек	9	548 365	"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН
		рус		30 417	
		қозоқ		8 533	
		тожик		9 327	
		киргиз		1 188	
		туркман		955	
		қорақалпоқ	9	10 684	



БОЛА БОЗОРДА ТАЪЛИМ ОЛМАЙДИ

Бугунги дунё изланувчан кишиларни ёктиради. Зеро, кўл-оёғи бут, ақли теран киши боқимандаликдан ўзини кутқармоғи лозим. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг барча соҳаларда кенг имкониятлар яратилгани каби тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолияти учун ҳам қатор шарт-шароитлар вужудга келди. Инсоннинг интилувчан, ташаббускорлиги фаровон, тўкин-сочин ҳаётга етаклашини бугунги кунимиз мисолида кўришимиз мумкин. Тадбиркорлар кўллаб-қувватлаб келинаётган шароитда ўз имконият ва омадини синаб кўраётган ишбилармон юртдошларимиз сафи кундан-кунга, йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу қувонarli ҳол, албатта. Улар орасида бой маънавий тафаккур ва дунёқараш соҳибларининг кўп бўлиши эса янада яхши.

Ахир айтишади-ку, ҳар соҳанинг ўз илми бор, деб. Шу маънода, савдо ишининг ҳам ўз маданияти, бурч ва масъулияти, унутилиши мумкин бўлмаган маънавий вазибалари мавжуд. Қолаверса, маънавият ҳар қандай соҳа вакилининг, ҳар бир касб эгасининг, умуман, инсонийликнинг зийнати-дир. Усиз ҳаёт мазмунини тасаввур қилиб бўлмайди.

Шундай экан, бугун фарзандларини илм-маърифатли, зиёли, юксак маънавият эгаси этиб камол топтиришни ҳам унутмаётган тадбиркор ҳақиқий тадбиркор-

дир, менимча. Ана шунда жамият ҳақиқий маънода бойиб боради. Топган даромадини яхши ва хайрли ишларга сарфлаётган тадбиркорларни кўриб қувонамиз. Албатта, салгина ночорроқ яшаётган кўшнисига ёрдам қўлини чўзиб, унинг балоғатга етиб қолган ўғил-қизларининг ўқишию ишларига жон куйдириб кўмак бераётган, маҳалласини обод этишга, йўлларни таъмирлашга маблағ ажратиб, бу ишларда ташаббускорликни зиммасига олаётган саховатли инсонлар орамизда кўплаб топилади. Уларга ҳавас қилмай бўладими?!

Савдоси юришиб турган бўлса-да, фарзандларининг отаси давлатига ишониб, эркалиниб кетмаслиги учун ҳар бирини қизиқишларию қобилиятига яраша касбга йўналтириб, ўқишига катта аҳамият қаратаётган оталарнинг ҳақиқий маданиятли ва маънавиятли инсон эканлигига шубҳангиз қолмайди. Бундайлар узоқни кўра биладиган, келажакни ўйлаб яшовчи, доно кишилардир. Чунки улар мол-дунё ўткинчи, олинган илм ва ҳунар эса кишига абадий ҳамроҳ эканлигини яхши билдилар.

Аммо баъзи бир тадбиркор, савдогар бойларни кўриб ўйлаиб қоламиз. Унинг иш бошлашдан олдинги мақсадлари, орзу-ўйлари қандай бўлган экан?! “Пул топсам бўлди, данғиллама уй кураман, энг сўнги русумдаги машина меники бўлади, фарзандларимнинг ҳар бирида алоҳида машина, уй ва яхши иш бўлади”,

Mulohaza



деган мақсадлармикан фақат? Билмадим, эҳтимол ҳеч ким бундай куруқдан-куруқ ва маънисиз мақсадларни кўзламас, аммо айрим омади юришиб кетган савдогарларнинг яшаш тарзи айнан шу тахлит кечади. Кундан-кун бир-биридан баланд доvonларни ошиб, бойиб бораётган одам дастлаб пул жамлайди, кейин савдони кенгайтиради, машина олади, уй куради, хотинига, ўғлига, қизига бирин-кетин машина олиб беради, дала ҳовли куради... Хуллас, унинг назарида ҳаммаси режа асосида кетаяпти. Ҳаммасини қилиб бўлдим, энди савобли ишларга қўл ураман деганда, уйнинг дизайни кўзига эскиргандек, бироз соддароқ-

дек туюлиб қолади. Ахир аввалги орзулари “рўйхати”да ўзи ўқиган мактабига спорт майдончаси қурдириб бермоқчи, фарзандини эса қайси касбга қобилияти бўлса, ўша соҳа бўйича яхши устозлар қўлида ўқитиб, етук мутахассис қилмоқчи эди. Аммо негадир уларга ҳеч навбат етиб келмайди. Ҳаттоки, уйда ҳам оила аъзолари билан иқтисодий режалар, савдосотиқ, ҳисоб-китоб борасидаги суҳбатлардан нарига ўтмай қолганини сезмайди.

Бундай муҳитда катта бўлган болалар ўқиш, билим олиш, етук кадр бўлиш ҳақида ўйлармикан?! Уларнинг мурғак хаёлотига ҳам фақат пул топиш, ота-онаси бизнесини ривожлантириш масаласи ўрнашиб улгурган. Йиллар ўтаверади, бола улғайган сари шу ишга шўнғиб, ота касби ташвишларига кўникиб қолади. Отасининг дўкониде ёки бозордаги савдо растасида дарслардан сўнг ишлаётган бола дастлаб шунчаки бўш вақтни “унумли” ўтказишга жалб этилади, бориб-бориб дарсларининг ўзлаштириш сифати тушиб кетади. Ҳеч ким уни оилада назорат қилмай кўяди. Сабаби, ҳамма “муҳим ишлар билан банд”.

Энди бола мактабга бориш ўрнига бозорда куни билан вақт ўтказадиган бўлади. Ўқитувчи болани ҳеч эплай олмагач, ота-онасини чақиртиради. Шу вазиятда ўша “фалон бойвачча”нинг мактабга келиб ўқитувчининг ўз фарзанди ҳақидаги шикоятларини эшитаётганини ҳеч бирингиз кўз олдингизга келтира олмадингиз, шекилли. Бунинг устига уддабурон фарзандининг отасига кўмаги бинойидек бўлаётган бир пайтда ота ҳам ўқитувчининг ўқувчига бераётган қониқарсиз баҳосига ишонармиди? Ота мақсадга ўтади: “Ўғлимнинг ўқишидан сиз ташвишланманг. Мактабга келди нимаю, келмади нимаю?! Мен ўзим уни энг зўр университетларга олиб кириб кўяман. Ўқиган билан шаҳар олиб берармиди”. Ана шунда бизнинг қаҳрамонимизнинг дастлабки мақсадлари, ўйлари унутилмаган, аксинча, ўзгариб кетгани маълум бўлиб қолади.

Минг афсуски, зиёли, маданиятли тадбиркорларимиз қанчалик кўп бўлса, тилга олганимиз маънавиятсиз ишбилармонлар ҳам орамизда топилади. Илмсиз, маърифатсиз фарзанд ота-онасига фақат азият етказиши эса ҳаётда кўп бора ўз исботини топган...

Албатта, ёшларни меҳнатга, изланишга ҳам ўргатиш керак. Лекин бу фақат пул топиш мақсадидагина бўлмаслиги лозим.

Дилафрўз УМАРОВА,
ЎЗМУ талабаси

Зангиота туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан туман ахборот-ресурс маркази ҳамда 42-умумтаълим мактаби ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги китоб ва китобхонлик байрами ана шундай номланди.

Халқ таълими вазирлигининг “Мактаб—кутубхона—оила—жамоат ташкилотлари” хайрия марафони ҳақидаги буйруғига биноан, туманда ҳар йили китобхонлар байрами ўзгача тайёргарлик билан ўтмоқда. Бир неча йилдирки, Зангиота туман ХТБга қарашли таълим муассасаларида “Йилнинг энг фаол китобхони”, “Кўп китоб ўқиган ўқувчи” каби кўрик-танловлар билан бир қаторда таникли ёзувчи ва шоирлар, ноширлар, газета ва журналлар ижодкорлари билан учрашувлар ташкил этиб келинмоқда. Бу тадбирлар ўқувчи-ёшларда китобга меҳр шаклланиши, болаларда мутолаа маданиятини ривожлантириши, ARM ва китобхонлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, шунингдек, ёш китобхонлар учун нашр қилинган энг сўнги қизиқарли китобларни намойиш этиш каби муҳим мақсадларга хизмат қилиб келмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида тумандаги 3, 15, 16, 24, 33, 45-умумтаълим мактабларида “Китоб мўъжизага чорлайди” деб номланган китобхонлик байрамлари ўтказилганлигининг ўзиёқ туманда бу борада олиб борилаётган ишлар салмоғини кўрсатади. Ушбу мактабларда таникли болалар адиб ва шоирлари билан қизиқарли учрашувлар ташкил этилди.

Бу галги “Китоб марафони” ҳам анъанага мувофиқ тарзда юқори савияда, таникли олим ва ёзувчилар, таълим ва маданият ходимлари иштирокида бўлиб ўтди. Жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, “Гулхан” журнали бош муҳаррири Ашуралӣ Жўраев, адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев, педагогика фанлари номзоди, бир қатор дарсликлар муаллифи Фаёз Мусаев, Республика таълим маркази бош мутахассиси Илҳом Са-

КИТОБ — МАЪНАВИЯТ ҚАНОТИДИР

фарбоев каби адабиёт ва таълим аҳлига яхши таниш бўлган зиёлилар ташриф буюрган тадбир чинакам китобхонлар байрамига айланиб кетди.

— Мен бугунги каби китобхонлик байрамини алоҳида нишонладиган кунлар, саналар ичидаги энг яхши шодиёна, энг хайрли тадбир деб атаган бўлардим, — дейди тадбирда сўзга чиққан педагогика фанлари номзоди Фаёз Мусаев. — Боиси, фарзандларимизнинг китобга эътибори эртаимизни,

келажакимизни белгилаб беради. Буюк бобокалонимиз Амир Темура ҳам “Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи буюк мураббийдир”, дея «илм хазинаси»га улғу баҳо берганлиги бежиз эмас. Буни ҳеч бир зиёли, ҳеч бир ўқитувчи, ҳеч бир ота-она унутмаслиги лозим.

Юқоридаги каби фикрлар барча иштирокчиларни яна бир бора сергакликка, фикрлашга ундагани рост. Буни ўша


куни “Шарқ” НМАКга қарашли “Илм шуъласи” китоб савдо уйи томонидан ташкил этилган савдода сотувчиларнинг қўли қўлига тегмай ўқувчию ўқитувчиларга китоб улашаётганида ҳам кўрса бўларди.

— Мактаб ўқувчилари, ота-оналар, ўқитувчилар бугуннинг ўзида 500 дан ортиқ бадий китобларни харид қилишди. Умумий миқдорда 700 минг сўмлик турли бадий, сиёсий адабиётлар савдо қилинди. Бу ёшларимиз орасида китобга бўлган эътиборнинг ошиб бораётганлигини кўрсатади, — дейди “Ануш-канцсавдо” МЧЖ ходими Зиёмиддин Эшонхонов. — Туман ахборот-ресурс маркази раҳбари Саноат Мирдадаеванинг таъкидлашича, мазкур китобхонлик ойлигида ташкил этилган китоб савдолари натижасида шу йилнинг ўзида тумандаги мактаб кутубхоналари жамғармасига 3 млн. 500 минг сўмлик 2545 дона бадий ва илмий-оммабоп адабиётлар қўшилибди.

Дарвоқе, 42-мактабда ушбу “Китоб марафони” доирасида “Бадий китобларни ўқиб” мавзусида расмлар ҳамда деворий газеталар кўрик-танлови ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, туман миқёсида уюшқоқлик ва алоҳида эътибор билан ўтказиб келинаётган “Энг яхши китобхон”, “Энг кўп шеър билимдонни” каби танловлар “Энг фаол китобхон” кўрик-танлови гоилибларидан бири 15-мактаб ўқувчиси Алишер Қодиров каби республика миқёсида ўтказилган истеъдодли ўқувчиларни кашф этмоқда.

Китоб марафони ана шундай байрамона руҳда давом этмоқда. Инсон маънавияти, ички олами, дунёқарашини бойитувчи хазина бўлмиш КИТОБга меҳр эса ўқувчилар қалбидан янада чуқурроқ жой эгалламоқда. Бу эса катта ютуқдир. Ушбу тадбирларда Юртбошимизнинг “Китоб ва тафаккур одамлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файз-барка келтирадиган буюк мўъжизадир”, деган пурҳикмат сўзлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бахтиёр ЁҚУБОВ,
“Ma'rifat” муҳбири



Мирзаобод туманидаги 21-умумтаълим мактаби ўқувчилари ахборот-ресурс марказида.

Умар РАҲМОНҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Tabiat va biz

Табиатни асраш халқаро ташкилоти (ТАХТ)нинг «Қизил китоб»и йўқолиб кетиш хавфи остидаги 48 мингга яқин жонзот ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассам этган халқаро ҳужжатлардан биридир. Умуман олганда, БМТ томонидан «Халқаро биологик хилма-хиллик йили» деб эълон қилинган жорий йилда дунё аҳолиси эътиборини биологик турларнинг ранг-баранглигига қаратиш ва уларни сақлаб қолиш бўйича қатор ишлар амалга оширила бошлаган. Бироқ дунё олимларининг фикрича, камсонли бўлгани учун хавотир уйғотувчи ва кўпайтирилиши зарур ҳисобланган бу каби ҳайвонлар рўйхати кенгайтирилиб, 160 мингга етказилиши лозим.

Лойиҳа доирасида қамраб олиниши зарур бўлган маълумотларни бир тизимга солишда Табиатни асраш халқаро ташкилоти томонидан таъсис этилган ва ноёб турдаги организмлар рўйхати берилган «Қизил китоб» асос вазифасини ўтайди. Салкам ярим асрлик тарихга эга бу китобда ўтган йили 48 мингга яқин турда фауна ва флора вакиллари таърифланганди. Бундан ташқари, алоҳида-алоҳида давлатлар саъй-ҳаракатлари туфайли чоп этил-

лойиҳаси тадқиқотчилари бундай харажатлар жуда ҳам зарур ва оқилона бўлишига шубҳа қилишмаяпти. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, биологик хилма-хиллик (қисқача, биохилма-хиллик) атамаси 1980 йилларда табиий экотизимлар ва биринчи ўринда ақл бовар қилмас даражадаги турфа хиллиги билан ажралиб турувчи

Яқинда «Сайнс» илмий журналида берилган мақолалардан бирида жаҳон миқёсидаги таниқли биологларнинг мазкур ташаббуси аҳамияти очиб берилган. Унда таъкидланишича, дунё табиий муҳитининг бугунги ўзгаришлари баъзи физик жараёнлар билан боғлиқ. Аниқроғи, инсонлар иқлим ўзгариши, атмосферанинг ифлосланиши, қайта тикланмайдиган табиий ресурс захираларининг камайишидан кўпроқ хавотирга тушган. Тўғри, бундай ташвишга асос бор. Бироқ масаланинг яна бир томони борки, бу айни пайтда одамларни жонли табиат, яъни экотизимлар мавжудлигини таъминловчи, уларнинг салбий таъсирларга қарши курашиш хусусиятини шакллантириш омили ҳисобланган ўсимлик, ҳайвонот ва микроорганизмлар хилма-хиллиги деярли қизиқтирмай кўйгани билан боғлиқ. Айнан шу жиҳат мутахассислардан мазкур масалага янада жиддийроқ ёндашишни талаб этди.


Айтиш керакки, сайёрамизда юзага келган аҳволни яхшилаш йўлида ташланган муҳим қадамлардан бири — «Ҳаёт энциклопедияси» лойиҳасининг амалга оширилиши бўлди. Бу дастур илм-фанга маълум барча турдаги организмларни рўйхатга олишга қаратилган. Шу сабаб айни кунда муваффақиятли амалга оширилаётган мазкур лойиҳага кўшимча равишда «Ҳаёт мезони» номини кўшиш таклифи илгари сурилди. Янги лойиҳанинг вазифаси маълум турдаги организм ҳолатини изоҳлаш, унинг йўқолиб кетиш эҳтимолини баҳолаш ва шунга мос равишда уни сақлаб қолиш борасида тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ҳозирга қадар тадқиқотчилар томонидан 2 миллионга яқин организмлар рўйхатга олинган. Лекин расман қайд этилган, латинча иккита номдаги китоб таърифномасидан жой олган бу турлар билан биргаликда яна кўплаб эътибордан четда қолганлари ҳам бор. Мутахассислар уларнинг сони 10 миллиондан ошиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, фақат бактерия ва архея(архобактерия)ларнинг ўзи 10 миллионга яқин турда бўлиши эҳтимолдан холи эмас, гарчи уларни, яъни прокариотларни биологик тур деб аташ борасида ҳали бир тўхтама келинмаган бўлса-да. Боиси, бактерияларни таърифлашнинг замонавий мезонларига кўра, уларни тур сифатида изоҳлаш учун соф ҳолатда ажрати олиниши зарур. Ҳозирга келиб микробиологларга намуналар орқали яхши таниш бактерияларнинг баъзи турларини соф

ҳолда ажратишнинг имкони бўлмапти. Шу сабабли уларни ноёб турдаги организмлар сафига кўшиш масаласи ечимталаб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Қолаверса, экотизимлар фаолияти механизмини тушуниш ва уларнинг ҳолатига баҳо бериш учун у ёки бу турдаги экологик система таркибига кирувчи барча организм турларини батафсил билиш керак. Аммо бу борада ҳам жиддий муаммо бор. Бошқача қилиб айтганда, биологик хилма-хилликни ўрганувчи биологиянинг систематика ва илмий табиий тарих соҳаларида юзага келган турғунлик ҳолати сабаб, улар етарлича тадқиқ этилмапти. Шундан келиб чиққан ҳолда таъ-

Халқаро «Қизил китоб»нинг яна бир электрон саҳифаси. Биология китобларига *Ramosmania rodriguesii* номи билан киритилган кофе дарахтининг бу тури маҳаллий аҳоли томонидан кофе каштани деб ҳам аталади. Йўқолиб кетаётган ўсимликларнинг рўйхатида бўлган ўсимлик Ҳинд океани ҳавзасидаги фақат Родригес оролида ўсади. Бу ерда барча ўрмонлар қишлоқ хўжалигини ташкил этиш мақсадида йўқотилганидан сўнг дарахт бўй чўзиши мумкин бўлган табиий худудлар аввалгига нисбатан атиги 1 фоизни ташкил этмоқда. Ҳозирга келиб ўсимликнинг мазкур турини ботаника боғларида ўстиришга муваффақ бўлинди. Эндиликда уни оролга кўчириш ва қайта ўстириш саъй-ҳаракатлари йўлга қўйилмоқда (манба: iucnredlist.org сайти).



"ҲАЁТ МЕЗОНИ" — БИООЛАМ ҲИМОЯЧИСИ

кидлаш мумкинки, табиий ландшафтлар тез суръатларда нобуд бўлаётган бугунги кунда Ер юзидаги кўплаб турлар, хусусан, майда организмлар, олимлар томонидан аниқланмай туриб йўқолиб борапти.

Мақолада, шунингдек, ҳозиргача «Қизил китоб»га киритилган, «Ҳаёт мезони» лойиҳаси доирасида қамраб олиниши таклиф этилаётган фауна ва флора вакиллари ҳамда дастурни амалга ошириш учун талаб этиладиган куйидаги тахминий ҳисоб-китоблар жадвали келтирилган.

Йирик таксономик (соддадан мураккабга тамойили асосида ташкил этилган) гуруҳлар	Таърифланган турларнинг умумий сони	Халқаро «Қизил китоб»га киритилган турлар сони (2009 йил)	«Ҳаёт мезони» лойиҳасига киритиш таклиф этилаётган турлар сони	«Ҳаёт мезони» лойиҳасини тўла маънода амалга татиқ этиш харажатлари (долларда)
Хордалилар	64 788	27 882	61 635	16 000 000
Умуртқасизлар	1 359 365	7 615	45 344	20 000 000
Ўсимликлар	310 129	12 151	38 521	17 000 000
Замбуруғ ва бошқа гуруҳлар	165 305	18	14 500	7 000 000
Жами	1 899 587	47 666	160 000	60 000 000

ган 250га яқин миллий «Қизил китоб»лар ҳам бор. Мутахассислар ушбу китобларда асосан ҳайвонот олами вакиллари эътибор қаратилганини ўсимликлар (баъзи турлар бундан мустасно), барча умуртқасизлар, қолаверса, замбуруғ ва тирик организмларнинг бошқа гуруҳлари эса етарлича тўлиқ берилмаганини таъкидлашяпти. Ҳолбуки, бу турдаги жонзотлар ҳам тобора камайиб кетаётгани сир эмас. Шунинг учун ҳам муаллифлар «Ҳаёт мезони» лойиҳаси доирасида

тропик ўрмонлар муҳофазаси масаласига кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш мақсадида қўлланила бошланган. Сабаб: айнан шундай худудларнинг ҳар 50 гектарида мингдан ортиқ турдаги дарахтларни топиш мумкин. Ҳар бир турдаги дарахтда эса кўплаб ҳашаротлар гуруҳлари истиқомат қилади. Биргина шу факт орқали она сайёрамиз табиатининг қанчалик ранг-баранглигини тасаввур этиш мумкин. Бизнинг наздимизда арзимас, кичик худуд ҳисобланган ердаги ўсимлик ёки дарахтларни йўқ қилиш ҳам юзлаб турдаги бошқа тирик организмлар дунёсига зарар етказиши мумкинлигини унутмаслик даркор.

Айни пайтда кенг оммага биологик ранг-барангликни сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳаракатларининг аҳамиятини тўлиқ етказиш у даражада осон иш эмас экан. Шу сабабли ҳам ҳозирда юзага келган муаммоли вазиятни ижобий ҳал қилиш учун биологик турфа хилликни — қадрият, зарур бўлса ўзини-ўзи қоплайдиган моддий бойлик деб эътироф этиш керак, деган хулоса тақдим этилди. Дарҳақиқат, улкан этик ва эстетик қимматга эга тирик организмларга табиий бойликларнинг муҳим, ажралмас қисми сифатида қаралиши жоиз. Улар қай бир давлат худудиди бўлмасин, инсоният келажак ҳаётида аҳамиятли ўрин эгаллар экан, шубҳасиз, муҳофаза этилиши ва асраб-авайланиши даркор.



Ҳар куни Табиатни асраш халқаро ташкилоти томонидан чоп этилган «Қизил китоб» сайтига китобдаги ўсимлик ёки ҳайвон турининг сурати ҳамда қисқача таърифи киритилади. Куйида сайтнинг қора каркидон (*Dicerorhinus bicornis*)га бағишланган саҳифаси берилган.

Бу тур кескин равишда камайиб кетаётган жонзотлардан бири ҳисобланади. Агар XX аср ўрталарида каркидон энг кўп тарқалган ҳайвонлар сафидан ўрин олган (ўша пайтда бу турдагилар сони 100 000тани ташкил этган) ва Африка

қитъасининг кўплаб худудларида истиқомат қилган бўлса, 1995 йилга келиб бу жонзотларнинг атиги 4 турдаги 2 400та вакили сақланиб қолган. Бугунга келиб эса ноёб турни сақлаб қолиш борасида амалга оширилган самарали чора-тадбирлар натижасида уларнинг сони 4 200тага етган. iucnredlist.org сайтидан олинган сурат.

қайд этиладиган турлар ТАХТ «Қизил китоб»идаги организмларга нисбатан ҳам кенгроқ баён этилиши зарур, деган фикрда. Улар рўйхатга 160 мингга яқин ўсимлик ва ҳайвонот дунёси вакиллари киритиш тарафдори. Бу эса ҳозирда «Қизил китоб»да таърифланганлардан салкам 3 баробар кўп дегандир.

Шу ўринда лойиҳа учун сарфланган харажатлар миқдори тўғрисида ҳақли савол туғилиши мумкин. Ҳисоб-китобларга қараганда, ушбу мақсадга 60 миллион долларга яқин маблағ талаб этилади. Ўз навбатида, бу кўрсаткич ҳар йили ТАХТ «Қизил китоб»ини юритиш учун ажратиладиган харажатлар миқдоридан 15 баробарга кўп, дегани. Шунга қарамай, «Ҳаёт мезони»




Латинча номи *Sterna bernsteini* бўлган чайкалар оиласига мансуб куш — Кокилдор Хитой крачкиси йўқолиб кетган турлардан саналарди. Лекин 2000 йили хитойлик олимлар уни мамлакат жануби-шарқида топишга муваффақ бўлишди. Ҳозирда бундай кушлар бор-йўғи 50та ва улар кескин камайиб кетган кушлар сирасига киради (манба: iucnredlist.org сайти).



ХАВФ БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА, АММО...

Экологик хавфни юзага келтирган Мексика кўрфазидagi нефть қудуғи бекитилгач, денгиз юзасидagi куйқалар насос ёрдамида тортиб олина бошланди, деб маълум қилди АП ахборот агентлиги. Ушбу тадбирлар «Бритиш Петролиум» компанияси томонидан муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Корхона вакили Марк Проглер сўзларига қараганда, ҳалокат содир бўлган асосий қувур ва танкер (суюқ ва ярим суюқ маҳсулотлар ташиладиган кема) узунлиги 1 500 метрга тенг металл най орқали туташтирилган. Бундан биров илгари эса қудуқ тепасида нефть сақланадиган гумбазсимон қурилма ўрнатилди. Айна пайтда мойли суюқлик қувур орқали олиниб, танкерларда тўпланмоқда.



Шунга қарамай, бу борадаги ишларни амалга оширишда ҳали-ҳамон мураккабликлар кузатиляпти. Чунки мазкур ишларни асосан масофадан туриб бошқариладиган роботлар жуда чуқурликда ва қоронғуда бажаряпти.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг апрель ойида «Дип-вотер Хоризон» платформасида содир бўлган кўнгилсиз воқеадан сўнг нефть денгизга сизиб чиқа бошлаганди. Ҳозирга келиб суюқлик Луизиана, Алабама, Миссисипи штатлари, умуман, АҚШнинг жанубий соҳилларига етиб борган.

«Бритиш Петролиум» компанияси шу пайтгача 3,5 миллион доллар маблағни зарарни қоплаш учун тўлади.

ЎҚУВЧИНИНГ ДУНЁ БЎЙЛАБ САЁХАТИ

Австралиялик ўқувчи қиз Жессика Уотсон ўзи ёлғиз яхта(спортда ёхуд саёҳат учун ишлатиладиган кичикроқ кема)да Ер шарини айланиб чиқди. «Ворлд» нашрида айтилишича, 16 баҳорни қаршилаган бу қиз ҳеч кимнинг ёрдамисиз дунё бўйлаб саёҳатни амалга оширган энг ёш сайёҳ сифатида эътироф этилмоқда.

Жаҳонгашта ўқувчини ота-онаси, яқинлари, у истиқомат қиладиган Янги жанубий Уэльс штати ҳокими ва яна кўплаб одамлар кутиб олган. Уотсоннинг саёҳати 210 кун давом этиб, бу фурсат ичида у 43 минг километрга яқин масофани ортда қолдирган. Ўтган йили Сидней кўрфазидан йўл олган Жессика Тинч океанининг жанубий қисмидан сузиб, экваторни кесиб ўтган ва Горн бурни(Жанубий Американинг энг жанубий нуқтаси)ни ортда қолдирган. Сўнгра Атлантика океани бўйлаб Африканинг жанубий қисмига етиб борган. Кейин саёҳатини Ҳинд океани орқали давом эттириб, уни Австралиянинг жанубий соҳил бўйида якунлади.



Маълумот ўрнида айтиш зарурки, бундан олдин дунё бўйлаб ёлғиз саёҳат қилган энг ёш жаҳонгашта сифатида 17 яшар англиялик ўсмир Майк Перэм эътироф этилганди. Жессика Уотсоннинг ватандоши Жесс Мартин эса, 1999 йили 18 ёшга тўлганида Ер шарини тўхтамай, ёлғиз айланиб чиқиб ўзига хос рекорд ўрнатган.

КЎЧИШ МИЯГА ТАЪСИР КЎРСАТАДИМИ?

Барселонадаги Экология ва ўрмончилик тадқиқот маркази олимлари қушлар мияси ҳажми уларнинг миграцияси(кўчиши)га боғлиқ, деган янги фикрни ўртага ташлади. Бунга мутахассисларнинг ўтказган ўзига хос изланиши туртки бўлди. Чунки натижалар кўчиб юрадиган қушларнинг мияси бир жойда истиқомат қиладиган қанотлиларга нисбатан кичик бўлишини кўрсатди. Sciencedaily.com сайти бу ҳақда эълон қилди.

Жараёнда энг кенг тарқалган чумқуқсимон қушлар — қалдирғоч, читтак ва қарғанинг эволюцияси тарихини тиклашга ҳаракат қилинди. Арктикадан тортиб тропик ўрмонларда яшовчи 600та бу турдаги қуш ўрганиб чиқилгач, кўчманчи қўшқанотлиларнинг мияси бошқаларга қараганда кичик бўлиши тасдиқланди.

— Даставвал бош миянинг ҳажми яшаш тарзини белгилайдими, йўқми, деган савол пайдо бўлганди, — дейди тадқиқот раҳбари Даниель Сол. — Изланишлар эса айнан кўчиш, яъни миграциянинг мияга таъсири борлигини кўрсатди. Бунда эволюцион ўзгаришлар батафсил тадқиқ этилди ва юзага келадиган ҳолатда уларнинг ўрни катта экани белгиланди.

Ўрганилган қушлар эволюция жараёнида тургун яшаш тарзини кўчманчиликка табиий равишда ўзгартиригандан сўнг, уларнинг мия ҳажми кичиклашгани маълум бўлди. Даниель Солнинг изоҳлашича, бунга сабаб шуки, мия кўп энергия талаб этувчи, айна пайтда секин шаклландиган орган ҳисобланади. Кўчманчи қушлар эса узоқ масофага учиш зарурлигидан энергиянинг асосий қисмини сарфлаб, уни қайта тиклаш учун жуда қисқа вақтга эга бўлади. Мазкур хулосага таянган ҳолда олимлар янада чуқурроқ таҳлил ўтказиб, миянинг түб қисми(telencephalon) ва паллиум(pallium)ни ўрганишни режалаштирмоқда.

САЙЁРАНИНГ ЭНГ КЎҲНА ШАҲРИ

Океанорти тадқиқотчилари Ер шаридaги энг қадимий шаҳарни топишганини маълум қилди. Қазилма ишлари Яқин Шарқ ҳудуди, аниқроғи, Балих дарёси соҳилида олиб борилган. Эътиборлиси, энг кўҳна манзилгоҳ аҳолисининг маданият даражаси жуда юқори бўлиб, бу ҳолат олимларни чинакамига ҳайратга солди, дейилади yogead.ru электрон манбасида.

Археологлар Тал-Зидан тепалигида сайёрамизда барпо этилган энг «кекса» шаҳарлардан бири борлигини қазилма ишлари давомида аниқлашга муваффақ бўлган. Таҳминларга кўра, у 8 000 йил олдин қад кўтарган. Ўз навбатида, бу маълумот унинг ҳаттоки Қадимий Мисрдан ҳам 2 000 йил олдин қурилганини кўрсатади. Бу ерда Убайд маданияти таркиб топган экан.



Топилмалар ичида тош муҳрлар, яъни синфий жамият ҳақида далил берувчи буюмларни мутахассислар алоҳида ажратиб кўрсатмоқда. Шунингдек, шаҳарда мис ишлаб чиқариш ва кулолчилик яхши йўлга қўйилгани маълум бўлди. Бунда мис манзилгоҳдан 300-400 километр масофада жойлашган қондан олинган. Мазкур ҳолат ўша даврда савдо-сотиқ ҳам яхши йўлга қўйилганини билдиради. Олимлар, шаҳар аҳолиси 5 000 киши атрофида бўлган, деган фикрни илгари суришмоқда.



ЯНГИ ТОПИЛМА

Бугунги кун илм-фанига маълум энг ҳаракатчан динозаврлардан бирининг қолдиқлари Хитойда топилди, деб ёзади «Нейчэ» нашри.

Биология китобларига Xixianykus zhangii номи билан киритилган бу жонзот бўйи бор-йўғи ярим метрга тенг бўлган. У термит ва чумолилар билан озиклангани боис ер қавлаш учун мослашган бақувват тирноққа эга бўлган. Шу билан бирга, ҳайвон чумоли инлари орасида ҳаракатланганда ёки йиртқиқлардан қочаётганда жуда тез югура олган экан. Шу боис унга олимлар «чопқир», деб ном беришди.

— Чопқир динозаврнинг қўл-оёқлари мутаносиблиги бизни ҳайрон қолдирди, — дея маълум қилди Хитой фанлар академияси аъзоси, канадалик палеонтолог Корвин Салливан. — Чунки шу кунгача олимлар ҳали бу турдаги ҳайвонларда бундай тана қисмлар мувофиқлигига дуч келмаган эди. Хусусан, унинг қўллари, орқа оёқларига нисбатан анча калта. Эътиборлиси, ҳозирда сайёрамизда яшайдиган кўплаб жонзотларнинг оёқ-қўллари ўртасида шундай фарқ кузатилади.



Динозавр қолдиқларини Халқаро тадқиқотчилар гуруҳи мамлакатнинг Хеннань провинциясида топишган. Айтиш ўринлики, альвареззавр терапод оиласига кирувчи бу турдаги динозавр Хитойда илк маротаба аниқланган. Бунгача унинг оиладошлари қолдиқлари Монғолия ҳудудида топилганди.

«УЧБУРЧАК ИНШООТЛАР» СИРИ ОШКОР!

Маълумки, дунё мўъжизаларидан бири ҳисобланган пирамидалар қурилиши борасида қатор таҳминлар мавжуд. Лекин «Ворлд Вондерс» нашрида ёзилишича, эндиликда қатор изланишлар якунида заминнинг «учбурчак иншоотлар»и масаласига ойдинлик киритилган.



Ушбу назарий таҳминнинг юзага келишига пирамида тошларининг кимёвий таҳлили натижалари асос бўлди. Олимлар изланишлар давомида аввалига тош қонларида топилган оҳақтошларни ўрганишган. Сўнгра ундан қурилиш материали тайёрлаб, бириктирувчи модда билан биргаликда аралашма махсус ёғоч қолипларга қуйилган. Кун давомида ўзига хос бундай «ғишт»лар қотиб, қолипдан олинганида эса қоя тошга ўхшаган шаклга кирган. Муҳими, иншоот барпо этишнинг шундай йўли нисбатан кам вақт ва оз сонли иш кучини талаб этган.

Айтиш керакки, мутахассисларнинг янги назарияси илгари туғилган кўплаб саволларга жавоб топишга имкон бериши мумкин. Хусусан, шу пайтгача археолог олимлар қадимда қурувчилар қандай қилиб тош ғиштларни бу даражада аниқлик билан чархлагани борасида анчадан бери бош қотираётган эди. Сабаби, улар стандарт шаклда бир-бирига мос тушадиган даражада экани аниқланган. Яна бир эътиборли томони шундаки, эскириб қолган ғиштлар янгиларини қўйиш учун тиргак вазифасини ҳам ўтаган экан, бунинг натижаси ўлароқ улар орасида ҳеч қандай тирқиш кузатилмаган.

ҒАЙРИОДДИЙ ЎСИМЛИК «ИСТИЛО»СИ

Бундан қирқ йил илгари Испаниянинг жанубий соҳилларида ўстирилган экзотик ўсимлик Galenia pubescens янги табиий шароитга жуда яхши кўниккани маълум бўлди. Шу пайтгача унинг мамлакат экотизимига таъсири масаласи ҳеч қандай қизиқиш уйғотмаётганди. Лекин испан олимлари изланиши ушбу ўсимликнинг кўпайишини назорат қилиш зарур, деган тўхтамага келишга ундади. Акс ҳолда, жиддий муаммо юзага келиши эҳтимолдан холи эмас. Уларнинг бу ҳақида мақоласи «Acta Oecologica» журналида чоп этилди.



Асли Жанубий Африкадан олиб келинган бу ўсимликнинг эндиликда олимларда хавотир уйғотиши бежиз эмас. Galenia pubescens қай даражада хавф туғдираётгани ва қайси ҳудудлар кўпроқ зарар кўриши мумкинлигини аниқлаш мақсадида тадқиқотчилар мамлакат жанубидаги Андалусия соҳилларида ўсимликнинг тарқалиши жараёнини моделлаштиришди. Натижалар эса ташвишга ўрин борлигини кўрсатди.

— Galenia pubescens хавфли бўлиб, уни инвазив ўсимликлар рўйхатига киритиш лозим, — дейди Кадиз университетининг биологик тадқиқотлар бошқармаси раҳбари Хуан Гарсия де Умас. — Инвазив деганда янги ҳудудга олиб келинганига қарамай, у ерга яхши кўникадиган, сўнг кўпайиб, янгидан-янги майдонларни эгаллай бошлайдиган организмлар тушунилади. Кўп ҳолларда улар маҳаллий фауна ва флорага салбий таъсир кўрсатиб, зарар етказувчи ёки алоҳида ажратиб қўйиладиган объектларга айланади.

Galenia pubescens хавфли, деган фикрга олимлар ўсимлик ўсмайдиган ҳудуд ва у кенг тарқалган соҳил ҳолатини таққослагач келган. Изоҳланишича, у флоранинг турфа хиллиги ва қирғоқдаги бошқа ўсимликларнинг умумий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Боиси, солиштирилганда, у ўсаётган майдонда қатор ўзгаришлар кузатиляпти, жумладан, ёввойи ўтлар кўпайган ва кўп йиллик ўсимликлар йўқола бошлаган.

Қолаверса, ер юзасида гиламга ўхшаб ёйилган ҳолда ўсадиган Galenia кўпинча сояси орқали ҳам маҳаллий флоранинг кўкаришига йўл қўймайди. Натижада, тупроқда ҳам ўзгаришлар сезилади, яъни шамол туфайли табиий равишда ёйиладиган кумлар бир жойда тўпланиб қолиб, намлик даражаси ошади. Шунинг учун мутахассислар ўсимликнинг тарқалишини тезроқ назоратга олишга шошиляпти.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Холбўта Досовга опаси **Нурбиби АБДИЕВАН**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи жамоаси «Ўзбек халқ чолғулари» кафедраси мудири Абдумажид Набиевга волидаи муҳтарамаси **МАТЛУБА** аянинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



Mulohaza



Ёшлигимда синфдош кизлар билан ҳинд актёр, актрисаларининг суратларини йиғишга ишқибоз эдик (ҳозир ҳам ёшлар орасида бу одат амалда, айниқса, ўзбек эстрадаси юлдузлари суратини). Кейинчалик бу одатим қолиб кетди. Бир вақтлар ота-онам томонидан тушлик учун берилган пулларга сотиб олинган суратлар ҳозир қаердалигини билмайман ҳатто. Балки эски жомадонларнинг биридадир. Яқинда синфдош дугонамнинг уйига бордим. Ўша пайтда тўплаган суратларини кўриб, болалигимизни эсладик. Уларнинг орасида ҳатто мен совга қилиб, орқасига ёзиб қўйган Жухи Чавланинг сурати ҳам бор экан. Мана 10 йил бўлибдики, бу одатни ташламабди. Суратларнинг сони, келинг, яхшиси салмоғини айтадиган бўлсак, бир сандикдан ошган. Ҳар бирини қўлига олганда эса дугонам ўзгача завқланади. “Жонли тарих!”, дейди у. Ҳа, ёшликдаги одатимиз унинг хоббисига айланганди.

Хобби — шахснинг бирор-бир предмет ёки фаолият турига нисбатан жуда кучли майли. Шу майли асосида роҳатланиш, лаззатланиш ҳисси пайдо бўладиган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси, — деб баҳо беради ЎЗМУ психология кафедраси доценти Лутфулла Турсунов.

Википедия сайтида бу сўзга қуй-

бўлганлар учун туризм, спорт туризми, музейларга саёҳат қилиш энг сеvimли машғулот ҳисобланади. Бундан ташқари, овқат тайёрлаш, кроссворд ечиш, хонада гул ўстириш, балиқ овлаш, овчилик билан шуғулланиш ҳам кўп учрайдиган хоббилардир.

Стресс ҳолатларидан сақлаш

ҳамкасблар букилган ёки бирор зарар етказилган ҳолда қайтарса, жаҳлини яширолмайдди. Тўплаган газеталари камида бир уйни эгаллайди. Ҳозир уни мохир футболчи деб айта олмасак-да (у ёшлигида шу ўйин деб, қўлини синдириб олган) соҳаси эмаслигига қарамай, спорт нашрларида салмоқли ўринга эга материаллар муаллифи ва бу борада кескин фикрлай оладиган мухлис сифатида кўрамиз. Унинг айтишича, чарчаган вақтларида спорт майдонида бўлмаса-да, компьютерда бир бора футбол ўйнаса, барча ташвишларини унутди.

Хобби билан шуғулланишда ёш ҳам аҳамиятга эга эмас экан. Буюк ёзувчи Л.Толстой кексайганида велосипед ҳайдашнинг ишқибозига айланиб қолганди. Оила аъзоларининг хавотирига қарамай, 70 ёшдан ошган бўлса-да, деярли ҳар

қилиш учун радионинг ичини очиб бузганман. У ердан одамчаларни топа олмадим. Устига-устак отамдан роса гап эшитгандим. Ўшандан бери ичига “одамчалар қамалиб олган” буюмларга қизиқишим ортиб, уларни йиғишни одатга айлантирганман.

Бундан ташқари, ишқибозликдан хоббининг танлови маълум бўлар экан.

Баъзиларнинг хоббиси шу даражага бориб етадики, улар фанатга ҳам айланиб қолади. Бу оддий қилиб айтганда муккасидан кетиш, деганидир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳар нарсада бўлгани каби хобби билан шуғулланишда ҳам меъёр муҳим роль ўйнаган.

ХОББИНИНГИЗ БОРМИ?

У ЎЗИНГИЗНИ КАШФ ЭТИШГА КЎМАКЛАШАДИ

идагича изоҳ берилади: хобби сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, инсон кўнгли учун мос келадиган, қизиқиш жиҳатдан ўзигагина устунлик қиладиган, кўнгул очувчи машғулот туридир. У инсонга даромад келтирмаса-да, ўз соҳибининг дунёқараши маълум маънода кенгайишига катта ёрдам беради.

Хоббининг турлари кўп. Эйтибор берган бўлсангиз, атрофимизда хоббиси спорт бўлган инсонларни кўп учратамиз, улар футбол, теннис ва спортнинг бошқа турлари билан мунтазам шуғулланишни кун тартибининг бир қисмига айлантириб олган.

Коллекция йиғувчилар эса ҳақиқий хоббининг намояндалари ҳисобланади. Улар нумизматика (тангашунослик), филателия (маркашунослик) йўналишларида намоян бўлиб, ҳар бир буюм ҳақида атрофлича маълумотга эга “мутасассислар” саналади.

Моделчилар — техниканинг ашаддий ишқибозлари, улар нафақат техника аппаратлари, яъни телевизор, компьютер, радио, ҳатто эски темир-терсақларни тўплаб қолмай, ўзлари мустақил равишда қўлбола техника ҳам яратадилар. Ваҳоланки, “Майкрософт” компанияси президенти Билл Гейтснинг болаликдаги сеvimли машғулоти ҳам компьютер анжомларини йиғиш бўлган. Ҳайвонот дунёсига қизиқувчиларнинг уйлари эса “кичик ҳайвонот боғи” деб атасак ҳам бўлади. Меҳр бериб боқадиган уй ҳайвонлари, қафасдаги тўтиқуш ва бедана, аквариумдаги балиқларсиз ҳаётини тасаввур этишолмайди. Бундан ташқари, мусика, рассомлик, суратга олиш, қўлда бирор буюм ясаш (оригами) хоббилари соҳибига ўзгача роҳат ва ҳузур бағишлайди.

Компьютер (дастурлаш, уни тўзатиш)га қизиқувчи “усталар” замонавий хобби эгалари саналади. Илм-фанни хоббисига айлантирганлар бу борада оламшумул янгилликлар яратмасалар-да, ўрганиш ва изланиш йўлида ўзлари учун кўп нарсаларни кашф этадилар. Тарихга қизиқувчилардан ҳақиқий тарихчилар етишиб чиқади. Улар тарихий воқеалар, жонли тарих, бирор-бир археология ишларини ўз мияларида жонли тасавирлаш қобилиятига эга бўладилар. Саёҳат қилиш жону дили

учун ёрдам берувчи юқорида келтирилган сеvimли машғулотларда инсон дам олиб, роҳатланади. Ва айтиш мумкинки, ўзига керакли маънавий озукани ҳам олади.

МУҲИМИ — СИЗ ХОҲЛАЯПСИЗ

Хоббига эга одам, ўз қизиқишларидан уялмайди. Шуғулланидиган иши қозон, ёки ичимлик идиши қопқоқларини йиғиш бўлса-да, яшириб ўтирмайди. Хобби эгасига ўзи тўплаган нарсалар бебаҳо (антиквар) ҳисобланади. Нарсанинг таннари, қиймати унинг учун муҳим эмас. Хобби эгаларини буюмининг моддиятидан кўра, моҳияти кўпроқ қизиқтиради, унинг келиб чиқиши, турлари, тарихини билади. Ҳатто буюмни яратган устасигача айтиб бера оладиганлари бўлади.

Америкада содир бўлган бир қизиқ воқеани келтириб ўтсам. “Лондон таймс” газетасида катта меросга эга бўлиб қолган 18 ёшли бир қиз ўзига турмуш ўртоғи қидираётгани ҳақида эълон беради ва ўз манзилни кўрсатади. Даъвогар-маъшуклар қизни мактубларга кўмиб ташлайдилар. Аммо қиз ҳийла ишлатган эди. У аслида филателист бўлиб, унинг асл мақсади турмуш ўртоқ қидириш эмас, маркалар йиғиш бўлган. Унга келган ҳар бир хат конвертида эса 1-2тадан марка жойлашган. Бу айёр қизчанинг ота-онаси фарзандининг қилмишидан ҳайратга тушади. Лекин уни жазолаш учун бу воқеа жиддий асос бўлолмади.

Айтиш лозимки, хобби билан шуғулланиш илм туридир. Шу қатори уни сақлашга ва қадрини бошқаларга билдиришга ҳаракат қилинади. Бу фанда иккиламчи хобби деб аталади. Негаки, тўпланган, йиғилган нарсаларни яхши сақлай билиш ҳам маҳорат саналади.

Ҳамкасбим Шарофиддин Тоғашаров эсини танибдики, футболнинг том маънодаги ҳақиқий ишқибози ва спортнинг бу йўналиши бўйича хобби эгаси. У ёшлигидан футболга оид газеталарни йиға бошлаган. Ҳатто бир неча бор қилинган жиддий қаршиликлар ҳам унинг футболга ошфталлигини ҳеч ҳам сўндирмаган. Агарда, унинг газетасини ўқиш учун олиб турган

куни у ўша даврда энди оммалашиб бораётган велосипедда сайр қилишни жуда ёқтирган. Кейинчалик эса у велоспортчилар жамиятининг фахрий президенти этиб сайланган.

ИШҚИБОЗЛИК, ХОББИ, ФАНАТЛИК

Ушбу тушунчалар бир-бирига яқин бўлса-да, аслида турли маъноларни ифодалайди. Машина, бирор спорт тури, ўсимликларга бўлган ишқибозлик барчада бўлиши мумкин. Фаолият турига мойилликнинг юқорилиги ишқибозликни билдиради.

Тошкентдаги 207-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Ёрқин Абдурахмонов ҳам футбол ишқибозларидан бири. Унинг сеvimли футбол жамоаларининг ўйинлари тунги соатларда берилса-да, эртасига мактабга бориши кераклигига қарамай, томоша қилишга ҳаракат қилади.

Шу ўринда азиз ота-оналарга айтиб ўтиш жоизки, болангизнинг футболга қизиқишида кўп маъно бор. У ишқибозлик натижасида давлатлар ҳақида маълумотларга эга бўлиб олади. Маълум бир жараённи кунт билан кузатиш, таҳлил қилиш ҳамда узок вақт ёдда сақлаб қолиш каби ҳаётий зарур малакаларга эга бўлиб боради.

Тўғри, бу қизиқиш маълум даражада намоян бўлиб, кейин йўқолиб кетиши, вақтлар ўтгач эса яна пайдо бўлиши мумкин.

Хобби инсоннинг бош миясида ўша нарсага нисбатан майлнинг сақланиб туришига айтилади. Ҳар бир инсон ўз хоббисини танлар экан, биринчи галда ўзининг ички ва ташқи имкониятларидан келиб чиқади. Ижтимоий муҳит ҳам бунда муҳим ўрин тутади.

Бунга бир мисол, ёшлигидан эски телевизор, радио аппаратларини тўплашни одат қилган Муҳаммадали Рустамов хоббисининг сабаби шундай экан:

— Болалигимда “Москвич” деган радио бўларди, эшитиб ўтириб, ундан чиқаётган мусика ва дикторлар овозларига ҳайрон қолардим, кутининг ичида одамчалари бор, деб ўйлардим. Кейин ана шу одамчаларни «озод»

БАРЧАМИЗДА БОР!

— Ўз қизиқишларининг ичида қайси бири устунлик қилаётганини кўпчилик билмайди, тўғрироғи ўзи англаб етмайди, — дейди Л.Турсунов. — Сиз кўпроқ нимадан маънан озук олсангиз, ана ўша сизнинг хоббингиз бўлади.

Чет элда яқинда танишган икки ёш хоббиси орқали бир-бирини яхши билиб олар экан. Шунинг учун ҳам улар дастлабки учрашувда бир-бирларига “нимага қизиқасиз, бўш вақтингизда нима қиласиз”, деб савол беради.

Сўнги йилларда жаҳон психологиясида хатти-ҳаракат психологияси, деган ибора пайдо бўлди. Бу кимдадир югуриш, теннис ўйнаш, ухлашда намоян бўлади. Булар жисмоний ҳаракатдан иборат бўлгани учун фаолиятдан келиб чиқилган ҳолда уни хобби деб бўлмайди. Негаки, вазифаларни уддалай олмаганлар руҳий тушқунликка тушиб қолади. Бу машқ доираси деб аталади. Асл хоббингиз эса, сизга албатта роҳат бағишлайди. У сизни қийнамайди. Шу билан бирга, керак бўлса бутун ташвишларни унутишга ёрдам беради.

Шу ўринда яна ўзимнинг ички қизиқишларимга қайтсам, пиёда юришдан ташқари, совга ўрашни яхши кўраман. Қоғозларни тўғри танлаш, тасмалардан чиройли безаклар ясаш менга завқ бағишлайди. Ишим тайёр бўлганда эса, уни томоша қилиб дам оламан. Демак, мен ўз хоббимни топдим!

Дўстингиз, яқин кишингизнинг туғилган кунига у тўплаётган нарсадан совга қилсангиз, сизнинг арзимас бўлса-да, тақдим этган буюмингиз ҳар қандай қимматбаҳо совгадан устунлик қилади. Бу буюм билан сиз нафақат унинг коллекцияси бойишига ҳисса қўшган, балки уни хурсанд ҳам қилган бўласиз. Чунки унинг қизиқишларига бефарқ эмаслигингиз, уни арзиман нарсага муккасидан кетишда айбламаганингиз у учун ЭНГ КАТТА СОВГА.

Хобби ижтимоий жамиятда шахснинг алоҳида хусусиятини белгилаб берувчи омил ҳисобланади. Айниқса, бу ота-она, ўқитувчилар этиборида бўлса, нур устига нур. Зотан, бунда инсонни кашф этиш мумкин.

Мухлиса МЎМИНОВА,
“Ma'rifat” мухбири

ШИЖОАТ, ИРОДА ВА ИШТИЁҚ БИРЛАШГАНДА

Тошкент кимё-технология институти талабалари ҳам «Универсиада» мусобақаларида спортнинг 12 тури бўйича муносиб иштирок этишмоқда. Хусусан, 2007 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган нуфузли мусобақада институт талабаси Фахриддин Наимов миллий кураш бўйича пойтахт терма жамоаси сафида қатнашди. У 73 кг. вазнда баҳслашиб мусобақанинг финал босқичига чиқди ва ҳал қилувчи баҳсда фахрли 2-ўринни эгаллаб, қумуш медали соҳиби бўлди.

Институт раҳбарияти «Универсиада-2010» спорт мусобақаларига кўнгилдагидек тайёргарлик кўришда талабаларга катта ёрдам бермоқда. Мусобақанинг 1-босқичида институтнинг 600дан зиёд талабаси спортнинг волейбол, баскетбол, миллий кураш, шахмат, стол теннис, мини-футбол тури бўйича иштирок этди. 1-босқич мусобақалари натижалари аниқланган, институт шарафини ҳимоя қилувчи терма жамоаларга энг яхши талабалар саралаб олинди. Шундан сўнг белгиланган режа асосида мураб

бийлар бошчилигида мунтазам машғулотлар олиб борилмоқда.

Жумладан, спортчи-талабалардан миллий кураш бўйича 66 кг. вазнда Жавлон Тоғаев фахрли 1-ўринни эгаллаб, Тошкент шаҳар терма жамоаси таркибига қабул қилинди ва Андижонда ўтказиладиган «Универсиада-2010» финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шу ўринда талабалардан Фахриддин Наимов, Акмал Шомуродов, Анвар Шомуродов, Илёс Бозоров, Қахрамон Зарипов, Дилноза Абдукаримова ва Наримон Баязитовларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ҳозирда ТКИ «Жисмоний тарбия ва спорт» кафедрасининг ўқитувчи-мураббийлари институт терма жамоасининг «Универсиада-2010»да фаол иштирок этиши учун ишлаб чиқилган махсус режа асосида машғулотлар олиб бормоқда. Бу борада олий ўқув юртида ташкил этилган спорт тўғрисидаги семинар ҳам ўрни катта.

Талабалар қалбидаги шижоат, иштиёқ, ҳавас ва кучли ирода ушбу мусобақада муносиб ўринларни қўлга киритишда асос бўлиб хизмат қилса, ажаб эмас.

МУХБИРИМИЗ



МЕССИ: ЧЕМПИОНЛИК ВА «ОЛТИН БУТСА»

Испания премьер лигасида ҳам ниҳоят чемпион номи аниқланди. Энг сўнги — 38-турга қадар бир-бирини «қуллаб» келган «Барселона» ҳамда «Реал» ўртасидаги рақобатга нукта қўйилди. Охириги турда ўз уйида «Валенсия» жамоасини қабул қилган каталонияликлар йирик ҳисобда (4:0) зафар кучди ва қаторасига иккинчи бор «Испания чемпиони» номига сазовор бўлди.

«Қироллик клуби» сўнги учрашувни сафарда «Малага» жамоасига қарши ўтказиб, дурангга (1:1) имзо чекиди ва амалда «кўк-аноранглилар»га барибир «таслим» бўлди. Ёш бўлишига қарамай,



жамоада ажойиб муҳитни ташкил этган бош мураббий Пеп Гвардиола шогирдлари мазкур ютуқ билан бирга ўзига хос рекорд натижаларни ҳам ўрнатди. Барселоналиклар Испания миллий чемпионати тарихида 38та учрашувда 99 очко жамғарган (31та г., 6та д. ва 1та м.) ягона жамоага айланди. Бундан ташқари, жорий мавсумда Европа миллий чемпионатлари орасида ҳам энг кўп очко тўплаган клуб айнан «Барселона» бўлди. Клубда жамоавий юқсак кўрсаткичлардан ташқари, индивидуал совринлар борасида

ҳам рекорд натижалар кузатилди. Аргентиналик вундеркинд Лионель Месси чемпионат мобайнида рақиблар дарвозасини 34 маротаба ишғол этиб, бутун Европа миллий чемпионатлари ҳужумчилари орасида тенгсиз деб топилди ва нуфузли соvrин — «Олтин бутса»ни қўлга киритди. У Англия чемпионати тўпураги Дидье Дрогба («Челси») ҳамда Италия чемпионати тўпураги Антонио Ди Наталлини («Удинезе») 10 очкога ортда қолдирди. Бу билан Месси бразилиялик ҳамкасби (1196/97) афсонавий Роналдо (бу вақтда Роналдо ҳам «Барселона»да ўйнард) ўрнатган рекордни тақрорлашга ҳам муваффақ бўлди. У ҳам худди Месси каби миллий чемпионатда 34та, барча учрашувларда эса 47та гол муаллифи бўлганди. Шунингдек, Испания чемпионати тўпураги тааллуқли — «Пичичи» (Pichichi) ҳам Мессига насиб этди. Испаниянинг «Энг яхши дарвозабон»га аталган бош соvrин — «Замора» (Zamora) ҳам «Барса» голкипери Виктор Валдесга тегишли бўлди. Дарвоқе, Лео Месси айни дамда Европа чемпионлар лигасида ҳам 6та гол урган ҳолда тўпурақ бўлиб турибди.

ТАЙСОН РЕКОРДНИ ЯНГИЛАДИ

Америкалик спринтер Тайсон Гэй 200 метрга тўғри (қайилмасдан, тўсиқлар ошмасдан) югуриш бўйича рекорд ўрнатди, деб ёзди «Ассошиэтед Пресс» агентлиги. Манчестер шаҳрида ўтказилган мазкур биринчиликда Тайсон белгиланган масофани 19,41 сонияда босиб ўтди.

Унга қадар эътироф этилган рекорд 1966 йили қайд этилган бўлиб, ўшанда бошқа бир америкалик спортчи Томми Смит 200 метрни 19,5 сонияда ортда қолдирганди. Шу тариқа рекорд орадан 44 йил ўтиб янгиланди. Тайсон бундай натижани осонликча қўлга киритмади. У асосий кучни стартдан қўзғалишга сарфлади ва асосий рақиби Ким Коллинзга имкон бермади. Стадион атрофидаги югуриш майдончасида 200 метрга чопиш борасидаги жаҳон рекордини 2009 йили Берлин шаҳрида ўтказилган дунё биринчилигида ямайкалик спринтер Хусайн Болт (19,19 сония) ўрнатганди.



ТЕРМА ЖАМОА УСТОЗИ — АДВОКААТ

Голландиялик мутахассис Гуус Хиддинк футбол бўйича Россия терма жамоаси бош мураббийлигидан озод қилинган, унинг ўрнига муносиб номзод изланаётган эди. Мазкур лавозимга рус футбол мутасаддилари бошқа бир голландиялик мутахассисни лойиқ кўришди.

Улар Петербургнинг «Зенит» клубини (2006—2009 йй.) бошқарган ва ажойиб натижаларни қўлга киритган футбол билимдонни Дик Адвокаат номзодида тўхталишди. Ростов-Дон шаҳрида ўтказилган Россия футбол уюшмаси конференциясида ташкилот президенти Сергей Фурсенко мамлакат терма жамоасининг энги бош мураббийини оммага маълум қилди.

62 ёшни қаршилаган Дик Адвокаат билан тўрт йиллик шартномага имзо чекилди. Бу ҳужжат 15 июль куни кучга кирази. Дик Адвокаат қўл остидаги илк расмий учрашувни Россия термаси 3 сентябрда Андоррага («Евро-2012» саралаш босқичи, «В» гуруҳи) қарши ўтказди.

ЎзДЖТУ талабалари Ширин ХОЛМАТОВА ва Нодира ФАЙЗИЕВА тайёрладилар.

Xotira turniri

БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ

Каттакўрғон туманида Боймуродовлар оиласини ўқитувчилар сулоласи сифатида яхши танишди. Айни пайтда ушбу оиладан 9 нафари муаллимлик касбини улуглаб, тумандаги 28 ва 61-умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат қилиб келмоқда. Сулола асосчиси — Неъматилла Боймуродов (гарчи ҳозир ҳаёт бўлмаса-да) бошлаган эзгу ишларни давом эттираётганидан фарзандлари мамнун.

Марҳум муаллимнинг болажонлик хусусиятлари бардавонлиги

шунда кўринадики, сулола давомчилари 2006 йилдан буён тумандаги барча ўқувчиларни жамлаш, дўстлаштиришда спортдан унумли фойдаланишяпти. Ҳар йили Неъматилла Боймуродов хотирасига бағишлаб ўтказиладиган футбол бўйича хотира турнирида тумандаги 99та мактабнинг барчасидан жамоалар ғолиблик учун майдонга тушади. Бу йилги турнирда ҳам 99 жамоа 8 гуруҳга бўлиниб, курашди. Гуруҳ баҳслари якунига кўра, сараланган жамоалар туман марказидаги «Ёшлик» стадионида ҳал

қилувчи ўйинларни ўтказди. Финалгача етиб келган 11 ва 61-мактаб жамоалари ўртасида кечган ўйинда ғолиб пенальтилар сериясига кўра аниқланди. Бунда 61-мактаб жамоасининг кўли баланд келди.

Яқунда барча ғолиб ва совриндорларга туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳудудий бўлими фахрий ёрлиқлари ва сулола давомчиларининг эсдалик совғалари топширилди.

Шерали НИШОНОВ

Турин политехника университети қошидаги академик лицей ўқитувчилари таркибига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловда илмий даражага, илмий унвонга ва педагогик иш стажига эга бўлган ҳамда академик лицейда ишлаш истагини билдирган юқори салоҳиятли ва малакали мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловга топширилиши зарур бўлган ҳужжатлар:

- директор номига ариза;
- сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
- маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақида ҳужжатлар нусхалари (мавжуд бўлса);
- илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
- 4x6 ўлчамли 4 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Ниёзов кўчаси, 17-уй. Турин политехника университети биносиди. Мурожаат учун телефон: 246-10-42.

Кадрли Гулнора АБДУЖАЛИЛОВА!



Муборак 50 ёшни қарши олишингиз муносабати билан сизни қўтлашга мушарраф бўлганимиздан беҳад мамнунмиз. Миллат келажаги ва тақдирини ҳал қилишга бевосита дахлдор шахс сифатидаги ўқитувчилик фаолиятингиз давомидида кўплаб шогирдлар етиштириб, уларни мустақил ҳаётга кузатиш йўлида чеккан машаққатларингиз беҳисоб, айни дамда, шарафли ва серҳосил ҳамдир. «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони олишингиз, айниқса, ўқувчиларингиз эришган муваффақиятлар шу каби заҳматлар мевасидир.

Касбига содиқ устоз, меҳрибон аёл, кадрли ҳамкасб, садоқатли дўст... азиз инсон бўлиб ҳақиқий саодатга эришингизни тилаб, Яратгандан сизга узоқ ва мазмунли умр сўраб қоламиз.

Дўстлик туманидаги 7-умумтаълим мактаби жамоаси, шогирдларингиз ҳамда оила аъзоларингиз.

ОГОҲ БЎЛИНГ!



Бепарволик, лоқайдлик, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик фуқароларимизни кўпгина нохуш ва аянчли ҳолатларга тушириб қўймоқда. Давлат ёнгин назорати ходимларининг кўплаб огоҳлантириш, кўрсатма ва маслаҳатларига қарамай, шахримизда ёнгинлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Таъкидлаб ўтишимиз керакки, бу ёнгинларнинг сабабчилари ҳам айнан фуқароларимизнинг ўзидир. Яъни қаровсиз қолдирилган болаларнинг олов ўйнашлари, носоз электр жиҳозлари ва газ иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш, сигарета чекиш ва ҳоказолар бундай кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Келинг, энди эътиборингизни Тошкент шаҳрида 2010 йилнинг тўрт ойи мобайнида содир бўлган ёнгинлар таҳлилига қаратамиз. Тўрт ой мобайнида 309та ёнгин содир бўлди, қўрилган моддий зарар 17360754 сўмни ташкил қилди. Ушбу ёнгинларнинг 109таси шахсий уйларда, 76таси давлат уйларида, 124та ёнгин эса турли масканларда содир бўлди.

Рақамлардан кўриниб турибдики, ёнгинларнинг аксари аҳоли яшаш жойларига тўғри келмоқда. Шунинг учун ҳам биз ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари доимо ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишингизни, соҳа ходимлари томонидан кўрсатилган камчиликларни вақтида бартараф этишингизни ва эътиборли бўлишингизни илтимос қиламиз.

Унутманг, ёнгинни ўчиришдан кўра унинг олдини олган осондир!

Феруз ЭРМАТОВ,
12-ҲЕҲО инспектори, капитан

«GAMMI FOOD»

масъулияти чекланган жамияти ўз низоми жамғармасини 10000000(ўн миллион) сўмдан 2000000(икки миллион) сўмга қисқартираётганлигини маълум қилади.

2010-yil — Barkamol avlod yili



**ҲАЛОЛ МЕҲНАТ МАҲСУЛИ
қунт билан қилинган иш
маънавий куч бахш этишини
ҳис қилишга ёрдам беради**

Шайхонтоҳур туманидаги 102-мактаб фаоллар залига кира-веришда ўқувчиларнинг ижод маҳсулларига кўзимиз тушди. Айниқса, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тасвирлар акс этган расм эътиборимизни тортди. Яқиндан разм солсангиз, унинг гўзал манзараси бўёқлар ёрдамида чизилмаганлигини англайсиз. Расмнинг жозибасига янада чирой кўшиш учун ўқувчи-чеварлар турли хил иплар, бисер мунчоқларидан фойдаланишган. Ажойиб-а?

Бу фикрлар эстетика фанлари йўналишидаги тасвирий санъат, мусиқа маданияти ва меҳнат таълими фан ойликларининг якунловчи, шаҳар босқичи фестивали олдидан ташкил этилган кўргазма таассуротлари эди.

Ёш авлодни ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялашда эстетик йўналишдаги фанларнинг ўзига хос ўрни бор.

ТШХТББ Методика маркази ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда РТМ ходимлари, А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, ТШПҚҚТМОИ, К.Беҳзод номидаги миллий дизайн ва рассомлик институти ўқитувчилари, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2010» республика кўрик-танлови голиблари ҳамда «Ёш педагоглар» мактаби лидерлари қатнашди.


Ўқувчи қизларнинг чиройли, миллий рақсларидан сўнг ижодкор ўқитувчиларга навбат берилди. Шайхонтоҳур туманидаги 92-мактаб ўқитувчиси чизмачилик фанини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш борасида ўз усулларини айтиб ўтди. Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган мактабнинг мусиқа ўқитувчиси эса, ўқувчиларга ноталарни танитишнинг янги ва самарали усулларини айтиб, бир соатлик дарс намунасини кўрсатиб ўтди.

— Тадбир чин маънода ўқитувчиларнинг эстетика йўналишидаги фан ойликлари давомида амалга оширган меҳнатлари ҳисоботи бўлди, — деди ТШХТББ методисти Озода Ваҳובה. — Айтиш керакки, «Фан ойлги» доирасида Тошкент шаҳар мактаблари бўйича ўқувчиларнинг bilim samaradorligini 1,8 foizga oshdi.

Фестиваль якунида эстетик йўналишдаги фан ойликлари давомида фаол қатнашган бир гуруҳ ижодкор ўқитувчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. «Энг ижодкор ўқитувчи» йўналишида Шайхонтоҳур туманидаги 92-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Сирожиддинова 1-ўринга, Мирзо Улуғбек туманидаги 223-мактаб ўқитувчиси Зебо Розикова 2-ўринга лойиқ деб топилди. «Тасвирий санъат» йўналишида Мирзо Улуғбек туманидаги 49-мактаб ўқитувчиси Нигора Айтамова, чизмачилик фанидан эса Чилонзор туманидаги 184-мактаб ўқитувчиси Ойбек Ваҳобов голибликни қўлга киритди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» муҳбири

Суратларда фестивалдан лавҳалар акс этган.
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus ta'lim
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим ва фан ходимлари
касба uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Xurshid DO'STMUHAMEDOV,
Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV
(mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA,
Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari,
"Учитель Узбекистана"), Aleksey
CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Уз-
бекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta
Ўзбекистон Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-422.
Tiraji 40656.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Hulkar TO'YMANOVA.
Navbatchi:
Behzod FAZLIDDINOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.



MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
ЎЗА якуни — 21.00